Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎№ № 94–95 (7. 183–7. 184) 1990 йил 26 апрель, пайшанба Баҳоси 4 тийин.



У КУНЛАРНИНГ ШУҲРАТИ ЎЧМАС!

Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва учала даражадаги барча Шуҳрат орденларининг соҳиблари бўлган ўзбекистонликлар байрамона либосда, жанговар мукофотларини кўкракларига тақиб тантанали учрашувга келдилар. Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланган бу учрашув 25 апрель куни Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон жумҳурият кенгашида бўлиб ўтди. Уни кенгаш раиси Р. Ғуломов очди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Биз ҳаммамизни бирлаштириб турган энг яхши хислат ва фазилатлардан баҳраманд бўлиш учун тарихимизга қайта-қайта мурожаат қиламиз, дейилди учрашувда. Ўзбекистонликлар фашизмга қарши олиб борилган даҳшатли жангларда кўрсатган қаҳрамонлик ўтмишимизнинг шонли саҳифаларидан биридир. Уруш қатнашчилари урушдан кейинги йилларда ҳам олдинги сафларда бўлдилар, улар мамлакатга халқ хўжалигини тиклаш ва мустаҳкамлашда ёрдам бердилар. Бугун иқтисодиёт ва сиёсат, фан ва маданиятнинг барча соҳаларида чинакам инқилобий ўзгартишлар рўй бераётган вақтда, биз — жумҳурият аҳолиси ветеранларнинг қўллаб-қувватлашига, уларнинг доно маслаҳатига, ёшларни тарбиялашда оталарча ёрдамига ғоят муҳтожмиз.

Учрашувга турли касб эгалари, турли миллат кишилари йиғилишганди. Лекин уларни жуда кўп нарсалар бирлаштириб турибди. Бугун бекордан бекорга мунозара қиладиган вақт эмас, нафсониятни бир ерга йиғиштириб қўйиб, умумий ишимиз йўлида бирлашиш керак. Фақат шундагина Ўзбекистон халқ хўжалигини қайта қуришда муайян муваффақиятларга эришиш, жумҳуриятимиз мамлакат ягона халқ хўжалик комплексида ўзига муносиб ўрин оладиган юксак даражага эришиши мумкин.

И. А. Каримов учрашувга келганларни Ғалабанинг бўлажак 45 йиллиги билан самимий табриклади. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва учала даражадаги Шуҳрат орденларининг соҳибларига Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон жумҳурият кенгаши ҳайъатининг фахрий ёрлиқларини, эсдалик совғаларини топширди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлимининг мудири П. В. Догонкин, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎзТАГ).



Суратларда: 1. Учрашувда республика Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлаётган пайт. 2. Учрашув қатнашчилари.

А. Горокрик олган суратлар (ЎзТАГ).

КРЕМЛДА УЧРАШУВ

СССР Президенти М. С. Горбачев Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий ташриф билан Совет Иттифоқига келган ХХР Давлат Кенгашининг раиси Ли Пэн билан 24 апрель куни Кремлда учрашди. Суҳбатда Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикасининг ҳозирги тараққиёти масалалари тўғрисида гап борди.

(ТАСС).

СССР ПРЕЗИДЕНТИ М. С. ГОРБАЧЕВнинг УРАЛ ДИЁРИДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

СВЕРДЛОВСК, 25 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари). СССР Президенти М. С. Горбачев бугун мамлакатимизнинг энг катта саноат ва илмий марказларидан бирига келди.

Свердловск аэропортида Михаил Сергеевични вилоят раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар. Русларга хос анъанавий меҳмондўстлик кўрсатилди.

БАЙРАМ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

◎ Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрамига тараддуд кўриш ва уни ўтказиш шаҳар байрам комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Л. А. Костин, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маданият, умумий овқатланиш, ободонлаштириш Бош бошқармаларининг бошлиқлари — С. Ҳ. Алимхўжаев, Қ. Ҳ. Зоиров, М. З. Зуфаров, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари У. Абдуғаниев, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. Ҳ. Имомов, Тошкент шаҳар агросаноат бирлашмасининг бош мутахассиси А. Д. Маъдалиевлар коммунал-маиший ва авария хизматларининг иши, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, савдо ва умумий овқатланиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақидаги, байрам арафаси ва байрам кунларида жамоат тартибини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Мажлисда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов сўзга чиқди.

Мажлисни Тошкент шаҳар Советининг раиси, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков олиб борди.

МАҲСУЛОТЛАРНИ ЧЕТГА ЧИҚАРИШ ВА МАМЛАКАТГА КЕЛТИРИШГА ЛИЦЕНЗИЯЛАР ҲАҚИДА

СССР Министрлар Совети давлат ташқи иқтисодий комиссияси 1990 йил 27 мартда корхоналар, бирлашмалар, ишлаб чиқариш кооперативлари ва ўзга совет ташкилотлари 1990 йилда лицензиялар билан мамлакатдан четга чиқараётган ва мамлакатга келтираётган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) рўйхатини тўлдиришга ва аниқлашга доир қарор қабул қилди.

1990 йил 1 майдан бошлаб дон экинлари уруғлиғини четга чиқаришга лицензия жорий этилади—лицензияларни СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги беради, шунингдек ветеринария дори-дармонларини четга чиқариш ва келтиришга лицензия жорий этилади — лицензияларни СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги билан келишиб, СССР Министрлар Советининг озиқ-овқат ва харид давлат комиссияси беради.

СССР божхона идораларига 1990 йил 1 майдан бошлаб мазкур маҳсулотни СССР Давлат чегарасидан маҳсулот етказиб берувчиларда ва олувчиларда тегишли органлар томонидан берилган лицензиялар мавжуд бўлган тақдирдагина ўтказиш топширилди.

(ТАСС).

Экология чегара билмайди

25 апрель куни Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон экологларининг регионал кенгаши ўз ишини бошлади. Кенгашдан мақсад ўзаро яқин ерларда иш олиб боришнинг умумий режаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Учрашувда тушган барча таклифлар пухта ўрганиб чиқилмоқда. Чегарага яқин ерлардаги муаммоларга алоҳида эътибор берилаяпти. Чунки экология чегара билмайди: қушлар у минтақадан бу минтақага учиб юрадилар, балиқлар у сув ҳавзаларидан бу сув ҳавзаларига ўтадилар. Ҳайвонлар ҳам жойларини муттасил равишда ўзгартирадилар, ҳаво оқимлари ва сув оқимлари ҳам узоқ-узоқ масофаларга боради... Атроф муҳитнинг булғаниши билан боғлиқ ўткир муаммоларни умумий куч-ғайратлар билангина бартараф этиш мумкин.

Жумҳуриятлар оралиғида бунёд этилаётган иншоотларни экология жиҳатидан текшириш соҳасида алоқалар ўрнатиш мўлжалланмоқда. Чегара районларида жойлашган корхоналарни ўзаро назорат қилиш, ифлосланиш даражаси хусусида ахборот айирбошлаш тўғрисида ҳам бир қарорга келинди.

Кенгаш ишида табиатни муҳофаза қилувчи бош давлат назоратчилари ва беш жумҳуриятдан келган, етакчи эколог мутахассислар қатнашмоқда.

(ЎзТАГ).

МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КЎПАЙДИ

ТОШКЕНТ агрегат заводида аҳоли истеъмоли учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кундан кунга ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунга келиб корхонада йилига 4,6 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари тайёрланмоқда.

БУГУН корхонанинг шу бўлимида учта янги маҳсулот: ошхона термалари, болалар учун уч ғилдиракли «қуён»ча велосипеди, шунингдек нарвон, шиша банкаларни қопқоқлаш мосламаси ва бошқа буюмлар бор.

Д. АЪЗАМОВ.

МЕҲР-МУРУВВАТГА ДАЪВАТ

◎ Мунаввар саҳар чоғи аҳли мўмин Ҳастиимомнинг «Тилла Шайх» жомъе масжидига мўътабар Рамазон ҳайити муборакбодига ташриф буюрдилар.

Рамазон шариф ойи бу йил анча серумид бўлди. Биринчи бор Қуръони карим исломга эътиқод қўйганларга очиқ-ойдин тарқатилди, кўплаб масжидлар таъмир этилди, янгиларининг пойдеворларига асос қўйилди. Халқимиз ҳаётида илк марта ёш қориларнинг маҳоратлари синалди ва уларнинг баҳс-мусобақаси ўтказилди, аҳли мўмин учун «Ислом нури» жаридаси чоп этила бошлади.

Рамазон ҳайитида ота-оналарни иззат-икром билан муборакбод этиш, ака-ука, опасингиллар, қариндошлар, етимлар, мискин-бечоралар, ногирон-ожизларнинг кўнглини олиш, меҳр-шафқат кўрсатиш мусулмонларнинг яхши одати бўлган. Ў бугунги кунда янги мазмун касб этмоқда.

Рамазон ҳайити мўътабар йиғинида жамоани Ўрта Осиё Диний бошқармасининг раиси, СССР халқ депутати, муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари қутладилар. У киши ушбу воқеа муносабати билан ўлка мусулмонларига табрик юбордилар. Унда қуйидаги сатрлар ҳам бор: «...Рамазон шариф ойи биз мусулмонларнинг ана шундай муборак ва муқаддас ойимиздурки, бу муборак ойда ҳаёт дастуримиз, икки оламда саодатли бўлиш йўлларини кўрсатган Қуръони карим нозил бўлгандир...

...Рамазон шариф дўстлик, қардошлик ойи бўлганидан, мусулмонлар дўстлиги ва бирлиги янада мустаҳкамланди...

Олдиндаги режаларимизга фақат ва фақат бирликда ва жипсликда эришишни унутмаслигимиз керак. Сўзимнинг хитомида яна бир бор азиз биродарлар, сизларни Рамазон ҳайити билан муборакбод этиб, барчамиз тинчлик, омонлик, икки дунё саодатига мушарраф бўлишимизни ҳақ таолодан сўраб илтижо этаман...»

Тўлқин АШРАФХОНОВ.



1990 йил, 26 апрель. Ҳастиимом, «Тилла Шайх» жомъе масжиди.

Муқимий номидаги театр — 50 ёшда

ОЛТИН ТЎЙ

◎ ЭРТАГА Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театрида катта шодиёна — Театр ташкил топганининг 50 йиллиги нишонланади. Бу санъат даргоҳи ҳақида сўз кетганда беихтиёр кўз ўнгимизда «Тоҳир ва Зуҳра», «Нурхон», «Муқимий», «Ажаб савдолар», «Тошболта ошиқ», «Кимга тўй, кимга аза», «Ўжарлар», «Тўйдан олдин томоша», «Гул ва Наврўз» каби ажойиб саҳна асарлари намоён бўлади. Ва Лутфихоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Эътибор Жалилова, Шаҳодатхон Раҳимова, Соиб Хўжаев, Ҳамза Умаров каби эл севган санъаткорлар яратган қатор образлари хаёлдан ўтказамиз. Театрнинг ярим асрлик фаолиятини икки оғиз сўз билан таърифлаш мумкин эмас, албатта.

Муборак сана нишонланиши муносабати билан мухбиримиз театрнинг бош режиссёри, жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоев билан суҳбатлашди.

— Носир ака, аввало рўзномамиз жамоаси номидан олтин тўйинглар билан чин қалбдан қутлаймиз. Халқимизда «Тўйга тўёна билан» деган гап қадимдан бор. Бу санага атаб санъат ихлосмандларига қандай томошалар тайёрладинглар?

— Раҳмат. Тайёргарликни ўтган йилиёқ бошлаб юборгандик. «Гул ва Наврўз», «Муҳаббат навоси» асарларини саҳналаштирдик. Биласиз, бу даргоҳнинг асил номи драма ва комедия театри. Халқимиз ҳам кулгини жуда севади. Шуни инобатга олиб «Анқовлар чайқови» (А. Абдуғафуров асари, А. Эргашев мусиқаси) сатирик мусиқали комедиясини ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этдик. Энг катта тўёнамизни эса эртага намойиш этамиз. У «Олтин тўй» деб номланади. Саҳнада театрнинг 50 йиллик ижодий йўлини жонлантирамиз.

— Театр биринчи драмани қачон намойиш этган? Бу даргоҳнинг ташкил топиши айнан кимларнинг ташаббуси билан бўлганди?

— Биринчи пардасини 1939 йил 29 ноябрда Тошкент тўқимачилик комбинатининг маданият саройида очган. Асар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Майсаранинг иши» комедияси эди. Жамоанинг биринчи бадиий раҳбари машҳур комик актёр Миршоҳид Мироқилов, режиссёри Бобо Хўжаев бўлишган. Улар ўшанда «Майсаранинг иши» комедиясининг асл вариантини саҳнада кўрсатишган. Соиб Хўжаев, Маҳмуджон Ғафуров, Абдурауф Болтаев, Марям Екубова, Мария Кузнецова, Собир Раҳмоний, Охунжон қизиқ Ҳузуржонов, Шоҳиста Саидова, Ғаниҳон Тошматов, Саодат Қобулова, Шаҳодат Раҳимова, Лутфихоним Саримсоқова, Омина Фаёзова, Эътибор Жалилова, Анвар Юсупов, Турсуной Жаъфарова, Машраб Юнусов ва Фароғат Раҳматовалар театрнинг биринчи санъаткорлари эдилар.

Тўхтасин Жалилов 1941 йили театрнинг бадиий раҳбари этиб тайинланади. У жамоанинг моддий ва маънавий аҳволини яхшилашда, кадрлар масаласини ҳал этишда кўп иш қилди. Усмон ота Юсупов ва Йўлдош ота Охунбобоевнинг театр санъатига бўлган эътиборлари туфайли нимаики зарур бўлса, унинг ҳамма илтимосларини бажо келтиришган. Шахсан Усмон отанинг ташаббуси билан уруш йиллари театр биноси қурилиши бошланган.

— Яқинда Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг мусиқали театрлар комиссияси қарори билан илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда турли муаммолар ўртага ташланди. Шу жумладан, Муқимий театрининг олдида турган асосий муаммолар нималардан иборат?

— Аввало мусиқали театрни драма театри билан тенглаштирмаслик даркор. Энг катта драма театрида 40-50 актёр бўлади. Бизда эса 120 нафар ижодкор ишлайди. Унда созанда-ю, яккахон хонандадан тортиб, хор ва балет артистигача бор. Маблағ эса бир хил тақсимланади. Ҳатто Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри биздан кўп маблағ олади. Шунинг учун ҳам театримиз жуда камбағал.

Иккинчиси, европача мусиқани тубдан миллийлаштириш зарур. Бизнинг қўшиқларда, айтишувларда «гумбур-гумбур» эмас, танбур, най, ғижжак, дутор ноласи керак. Бу борадаги биринчи қадам сифатида «Гул ва Наврўз»ни саҳналаштириб миллийликка қайтишни бошладик.

Учинчиси, театр ва рассомлик санъати институтини битираётган қўшиқчи ёшларимиз ўзларини театрга эмас, қўшиқчиликка уришяпти. Яъни сердаромад томонга. Буни ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак. Ҳозир бизда ёш, истеъдодли хушовоз санъаткорлар етишмаяпти.

— Демак, мусиқали театрга эътиборни тубдан яхшилаш керак?

— Албатта. Бир мисол, Бизда бир спектаклни саҳналаштириш учун жуда кўп компонентлар мавжуд. Кейин бошқа театрлардаги каби драматик йўналишга бу компонетларни бўйсундиришимиз лозим.

— Бошқа театрлар билан ижодий алоқаларингиз ҳақида ҳам икки оғиз гапириб берсангиз.

— Ҳозир Хитой Халқ Республикасининг Синьцзян (уйғур) театри билан ижодий мулоқотдамиз. Бир-биримизга сафарга бориб томошалар кўрсатиш ҳақида ўзаро фикрлашяпмиз. Ўш ўзбек мусиқали театри билан доимий алоқадамиз. Қирғизистонлик ҳамкасбларимиз бизнинг оталиғимизда, ҳисоби. Театримизда ижодий драматик устахона тикланяпти. Яқин орада вилоят театрларини асар билан таъминлаш йўлга қўйилади.

— Келгуси режалар қандай?

— «Юсуф ва Зулайҳо» асари устида (Рамз Бобожон ва Фарҳод Олимов) ишлаяпмиз. Буюк шоир Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйига атаб «Хамса»ни саҳналаштириш ниятидамиз. Шунингдек, Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт» драмасининг мусиқий вариантини (Комил Яшин ва Сайфи Жалил) ҳам саҳналаштиряпмиз. Драматурглардан Ўткир Ҳошимов, Жуманиёз Жабборов, Машраб Бобоев, бастакорлардан Мирхалил Маҳмудов, Тельман Ҳасановлар билан ҳамкорлик қиляпмиз. Яна бир бастакор Абдуҳошим Исмоиловни ҳам театрга жалб этмоқчимиз. Умуман, ижодий режаларимиз талайгина. Мақсадимиз уларни муваффақиятли амалга ошириш ва театрнинг аввалги шуҳратини тиклаш.

◎ Ҳа, театр жамоаси эртага ўз томошабинларига ярим аср мобайнида қилинган ишларни сарҳисоб қилади.

Суҳбатдош Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.



◎ Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театрининг бир гуруҳ санъаткорлари.

С. Маҳкамов сурати.



⊙ БУЮРТМАЧИЛАР УЧУН. Тошкент «Компрессор» заводида янги маҳсулотларни жўнатиш пайти.

⊙ ОЛОВҚАЛБ МАШИНАСОЗ. Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам ишчиси Ҳамид Холидов.

М. Нуриддинов суратлари.



Район партия конференцияларида

ИШЧАНЛИК РУҲИДА

БУ сафарги ҳисобот-сайлов кампаниясининг ўзига хослиги ҳақида олдиндан эълон қилинганди. Бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари аксарияти ҳолларда ҳисоботларнинг суҳбат учун асосий мавзу бўлмаганлигини кўрсатди. Буни тушуниш қийин эмас: аввалги ҳисобот ва сайловларнинг бўлиб ўтганига бир йилдан сал ошди холос.

Ваҳоланки, ана шу қисқа давр ичида умуман мамлакатимиздаги сиёсий вазиятда, жамоатчилик онгида шиддатли ўзгаришлар рўй берди. Ҳозирда кўпчилик, шу жумладан коммунистлар ҳам ўзларини ноқулай вазиятга тушиб қолгандек ўнғайсиз ҳис этишяпти, кўз кўриб турган нарсаларни ақл идрок этишдан бош тортмоқда.

Табиийки, буларнинг ҳаммаси ҳисобот-сайлов йиғилишларининг боришига таъсир этмай қўймади. Собир Раҳимов район IX ҳисобот-сайлов партия конференцияси ҳам бундан мустасно бўлгани йўқ. 1988 йилнинг декабрида бўлиб ўтган бундан аввалги конференция ҳақидаги таассуротлар хотирада ҳали яхши сақланиб турибди. Уларнинг ўртасидаги тафовут яққол кўзга ташланади, кўп нарсалардан далолат беради. Конференцияни ўтказиш учун ҳам илгари ҳамма жойда қабул қилинганидек маданият саройи эмас, район партия комитети танланганлиги, анъанавий «табриклар» ёзилган шиорларнинг йўқлиги ҳам конференцияда ишчанлик кайфияти ҳукмронлик қилаётганлигини кўрсатарди. Бундан икки йил муқаддам одат тусига кирган районнинг ютуқ ва муаммолари ҳақидаги видеофильмларни намойиш этиш ҳам бўлгани йўқ. Айни вақтда кўпгина делегатлар рўйхатдан ўтганларидан сўнг асосий ҳужжатлар билан бирга қулоққа тутиладиган радио мосламаларни ҳам олишди — район партия комитети жумҳурият давлат тили ҳақидаги Қонун талабларига мувофиқ нутқларнинг бир йўла таржима қилинишини таъминлаш учун мажлислар залини аппаратуралар билан жиҳозлади.

Аммо конференция бошланишидаги амалий, ишчанлик кайфияти минбарда нотиқлар бир-бирларини алмаштиргани сайин йўқолиб борди. Гап шундаки, бу сафар район партия комитетининг «XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларининг ижроси ва район партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги қарори олдиндан делегатларга тарқатилганлиги учун, конференциянинг ўзида ўқиб-эшиттирилгани йўқ. Бу талайгина вақтни тежаш билан бирга конференция ишини доклад юзасидан музокаралар билан бошлаш имконини берди. Айни вақтда, менинг назаримда бу ҳол аксинча натижаларга олиб келди: сўзга чиққанларнинг айримларигина ҳисобот докладини, унда тилга олинган ва туширib қолдирилган масалаларни эсга олишди. Аксарият ҳолларда суҳбат «умумий» маънода бўлди, ваҳоланки партиянинг тақдири, унинг бирлиги масалалари, кучларни жипслаштириш, ёшларни тарбиялаш, ҳар бир коммунистнинг аниқ нуқтаи назари бугунги кунда ҳаммани ташвишлантириши керак эди. Гап фақат ана шу масалаларнинг район партия ташкилоти олдида турган юмушлар ва вазифалар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш зарурлиги ҳақида бораяпти. Шу жиҳатдан аввалги ҳисобот-сайлов конференциясида бирмунча мос тартиб қабул қилинганди, деган фикр хаёлга келди. Ўшанда ҳам доклад олдиндан тарқатилган эди, шундай бўлса ҳам докладнинг қисқа баёни конференцияда ўқиб эшиттирилганди. Бу бундан кейинги муҳокамага ўзига хос йўналиш бағишлаганди. Айни ана шу вазият билан ёки давр билан (қайта қуришнинг учинчи йили борар эди) VIII ҳисобот-сайлов партия конференцияси менимча бирмунча кескин, фаол, қизиқарлироқ ўтганлиги факти шу билан изоҳланади.

Бу сўнгги вақтларда районда рўй берган ижобий ўзгаришларга маълум даражада туртки бўлди, десак муболаға бўлмаса керак. Ижтимоий сиёсатга нисбатан кўпроқ эътибор бериладиган бўлиб қолди. Дўконлар, маиший комплекслар тармоғи кенгайганлиги, райониннг ўз сабзавот омбори қурилганлиги, янги турар жой массивларининг комплекс қурилиши, олий ўқув юртлари шаҳарчасининг ижтимоий соҳалари ривожланганлиги — бу халқ турмуш даражасини оширишга борасида район ижроия комитети билан ҳамкорлик йўлини тутган район партия комитетининг хизмати ҳамдир.

Шунга қарамай эришилган натижалар — ҳал этилмаган, ҳозирча ҳал этиб бўлмаётган муаммолар денгизидан бир томчи, холос. Жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг «1991—1995 йилларда Тошкент шаҳри аҳолисининг ҳаёт таъминотини тубдан яхшилаш ва шаҳарнинг тарихан таркиб топган районлари реконструкциясини жадаллаштиришга доир биринчи навбатдаги тадбирлар тўғрисида»ги қарорини амалга оширish бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан биридир. Маҳалла комитетининг раиси Ф. У. Умаров, уруш ва меҳнат кексалари район кенгашининг раиси Ҳ. Ҳошимов, ёш томошабинлар театрининг актёри Х. Каримов бу борадаги муаммолар, камчиликлар ҳақида гапиришди. Бу масалаларга ҳисобот докладида ҳам эътибор берилган. Унда айтилишига қараганда, район партия комитети бюроси яқин орада бутун куч-ғайратини икки дастур — «Маҳалла» ва «Олий ўқув юртлари шаҳарчаси» дастурларига (конференция қарорини тасдиқлаш вақтида мазкур дастурга Шифокорлар шаҳарчаси ҳам қўшимча қилинди) сафарбар этиш лозим, деб ҳисоблайди. Шу ўринда улар уч бўлимга: шошилинч, пайсалга солмай ҳал этилишини талаб қилувчи масалалар; дастурга вақт билан боғлиқ тузатишлар киритилишига дахлдор масалалар; уларни амалга ошириш борасидаги мафкуравий ва сиёсий ишларга бўлиниши зарур.

Шак-шубҳасиз, асосий йўналишлар тўғри белгиланган. Мазкур вазифаларнинг амалда бажарилиши район партия ташкилоти учун, бошқарувнинг барча органлари учун вужудга келган вазиятни енгиб ўтиш, воқеаларнинг боришини тўғри ўзанга солиб юбориш учун таянч нуқтаси бўлиб қолиши мумкин.

Конференцияда коммунистлар партиясига ишончни қайта тиклаш зарурлиги ҳақида жуда кўп гапирилди. СССР халқ депутати, ТошДУ ректори Э. Юсупов таъкидлаганидек, мамлакатимиз кўппартияли система воқеликка айланган бугунги кунда республикамизда ҳам ана шу жараёндан чўчиш керак эмас, зеро КПСС учун мухолифларнинг мавжудлиги унда турғунликка йўл қўймасликнинг энг яхши кафолати бўлади. 3-уйсозлик комбинатининг бригада бошлиғи У. М. Зокиров, Тошкент тажриба-механика экскаватор ремонти заводининг бригада бошлиғи Т. Расулов, ТошДУ профессори Г. А. Ҳидоятов, «Миконд» заводининг ишчиси, байналмилалчи-жангчи А. М. Мирзаев ва бошқалар Коммунистик партияга ўзларининг содиқликлари, ҳақида, унинг бирлигини қатъият билан ҳимоя қилишга, партиянинг парчаланиб кетишига йўл қўймасликка тайёр эканликларини маълум қилдилар.

Агрегат заводи партия комитети секретари В. Т. Мамадалиев, 191-мактаб партия бюроси секретари Е. И. Киселёва, район комсомол комитети биринчи секретари Ш. Усмонов, Ўзбекистон ССР халқ депутати А. А. Аъзамхўжаевлар нутқи умуман амалий руҳда бўлди, райком, унинг бюроси ва бутун район партия ташкилоти фаолиятини яхшилашдан чинакам манфаатдорлик сезилиб турди. Улар ўз нутқларида район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари иш услуби ва методларини такомиллаштириш, партиявий дўстона ўзаро ёрдам асосида уларнинг ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари тилга олинди. Шунингдек, кўп партияликни ҳисобга олиб истиқболли дастурни ишлаб чиқиш, юқори партия органлари таркибий тузилишини қайта кўриб чиқишга ўйлаб ёндошиш зарурлиги, ёшларга нисбатан жиноятқорона шапкўрликка, унинг муаммолари ва эҳтиёжларига эътиборсизликка йўл қўйиб бўлмаслиги гапирилди.

«Билим» жамиятининг лектори М. П. Поленовский жуда муҳим масалага — атеистик ташвиқотга эътиборни жалб этди. Мамлакатимизда динга нисбатан эмас, черковга нисбатан муносабат ўзгарди, бу демак, мафкуравий ишнинг илмий-атеистик дунёқарашни шакллантиришдан иборат жиҳати ҳамон коммунистлар учун муҳим вазифа бўлиб қолаверади.

Кўпгина сўзга чиққанлар КПСС нинг янги Устави лойиҳасига, КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастурига ўз муносабатларини баён этдилар. Шуни айтиш керакки, районда махсус ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, бу гуруҳ жойлардан олинган юз элликдан зиёд таклиф ва мулоҳазаларни олдиндан кўриб чиқди. Район партия комитетининг иккинчи секретари А. Ф. Крисин делегатларга бажарилган ишлар ҳақида ҳисобот берди, у ёки бу таклиф нима учун рад этилганлигини ёки район партия ҳисобот-сайлов конференциясининг ана шу масала юзасидан қарори лойиҳасига киритиш учун қабул қилинганлигини асослаб берди. Шунга қарамай делегатлар конференцияда ҳам таклифлар киритишни, жумлаларнинг тузилишини аниқлашни давом эттирдилар. Бундай қатъиятни тушунса бўлади; Устав ва Ҳаракат дастури КПСС XXVIII съезди уларни қабул қилгандан сўнг асосий ҳужжат, ҳар бир коммунист учун қонун бўлиб қолади.

Шундай бўлса ҳам, амалий таклифларга, кескин, танқидий мулоҳазаларга қарамай, яна бир бор такрорлайман, бу сафарги конференция аввалги VIII район ҳисобот-сайлов партия конференцияси даражасига етмагандек бўлиб кўринди. Асосан делегатлар фаоллиги, кайфияти борасида ортда қолди. Амалий, қизиқарли нутқлар конференциянинг бир текис, вазмин боришида алоҳида эътиборга сазовор воқеалар бўлди холос. Ҳатто сайланиб қўйиладиган органларга, партия конференцияларига ва съездларга делегат қилиб сайлаш учун номзодларнинг яширин овоз бериши учун рўйхатга киритилиши ҳам, бу сафар, аслини олганда, муҳокамасиз ўтди. Тўғри, КПСС XXVIII съездига делегат қилиб сайлаш учун тавсия этилган СССР молия министри В. С. Павлов номзоди қизғин муҳокама қилинган пайт ҳам бўлди. Аммо пировардида залда ҳозир бўлганлар бу киши жумҳурият манфаатлари йўлида ҳаракат қилиб, айтайлик оддий коммунистга нисбатан Ўзбекистонга кўпроқ фойда келтиради, деган далилга рози бўлишди. Умуман, юқорида айтиб ўтилганидек, конференциянинг бу босқичи хотиржам ўтди. Албатта, бу конференциянинг ишчи органини ва партиянинг сайланиб қўйиладиган органларини тузиш бўйича район партия комитети комиссиясига бўлган ишончдан ҳам маълум даражада далолат беради. Мазкур комиссия бошланғич партия ташкилотлари таклиф этган номзодларнинг энг муносибларини саралаб олиш бўйича каттагина ишларни амалга оширди. Шундай бўлса ҳам...

— Эътибор бердингизми, айрим фамилиялар икки ва ҳатто уч маротаба тилга олинди? — деди пичирлаб ёнимда ўтирган аёл. — Наҳотки жойлардан таклиф қилинган шу қадар кўп номзодлар орасидан шаҳар ва область партия конференцияларига бир кишини эмас, бошқабошқа кишининг номзодини тавсия этиб бўлмаса? Негадир яна раҳбарлар кўпчиликни ташкил этади...

Унинг фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ эди. Ваҳоланки, иккинчи томондан, номзодларни бошланғич партия ташкилотларининг ўзлари тавсия этишганди. Гап раҳбар район партия комитети таркибида фаол ишлай олмаслиги ҳақида ҳам эмас, эҳтимол уларнинг кўпчилиги, айтмоқчи уларни демократик йўл билан жамоаларнинг ўзи сайлаган, ишонч ва обрў-эътибор қозонишгандир. Гап бошқа нарса хусусида. Яна лавозимлар, вазифалар, унвонларни бир-бирига қалаштириб ташлаш рўй бермаяптимикан? Чунки тартибга солиб турилади зобур иқтисодиётига ва регионал хўжалик ҳисобига ўтиш шароитида корхона раҳбарига чуви чиқиб қолмаслиги учун анчагина «елиб-югуришга» тўғри келади.

Афсуски, бу масалалар конференция делегатларини айтарлик ташвишлантиргани йўқ. Уларнинг хотиржамлиги аниқ ҳисоб-китобларга, қабул қилинган қарорларнинг тўғрилиги ва ўз кучларига ишончга асосланган, деб ишонгинг келади. Адолат нуқтаи назаридан шуни таъкидлаш керакки, қудратли ички резервларга эга бўлган Собир Раҳимов район партия ташкилоти ўзини қайта қуриш қобилиятини, ички имкониятларни топа олиш ва ишга тушириш қобилиятини бир неча марта намойиш этган.

Собир Раҳимов район IX ҳисобот-сайлов партия конференцияси райком фаолиятини қониқарли баҳоланди, сайлаб қўйиладиган органларнинг янги таркибини шакллантириб ўз мақсад ва вазифаларини аниқлади. Энди навбат уларни бажаришда қолди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков қатнашди ва нутқ сўзлади. Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларининг айрим қоидаларини кўриб чиқиш ҳақидаги таклиф билан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

* * *

Б. С. Камолов Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари, А. Ф. Крисин — иккинчи секретари, Н. И. Иброҳимова секретари — бўлим мудири этиб сайландилар.

* * *

Шунингдек, қайта ташкил этилган Собир Раҳимов район назорат-тафтиш ҳайъатининг пленуми бўлди. Мазкур ҳайъат раиси этиб Ш. О. Пўлатов сайланди.

Л. ПАРПИЕВА.



⊙ ВАШИНГТОН. «АҚШ билан СССР қўшма корхоналари икки мамлакат савдо-иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш учун катта аҳамиятга эга бўлиб, икки томонлама муносабатларни яхшилаш йўлида қўйилган муҳим қадамдир. Уларни ташкил этиш — мураккаб имтиҳон бўлиб, эҳтимол, сиёсий системаларимиз ва маданиятларимиз ҳамкорлигининг муваффақияти кўп жиҳатдан ана шу имтиҳон натижаларига боғлиқдир». Пайшанба куни Америка — Совет савдо анжуманининг раҳбари Маргарет Чепмэн Америка — Совет муносабатлари билан шуғулланувчи комитет томонидан уюштирилган АҚШ савдо-саноат доиралари вакилларининг бир кунлик конференциясини ана шундай сўзлар билан очди.

Конференцияда мамлакатдаги кўпгина йирик саноат уюшмалари ва корпорацияларининг вакиллари қатнашдилар. «Компьютер компьюникейшнз индастри эссошиэйшн», «Сатраа», «Боинг», «Ксерокс», «Тексако» шулар жумласидандир. Конференцияда мамлакатдаги бир қанча министрликларнинг, таниқли молиявий ва ҳуқуқий фирмаларнинг етакчи ходимлари ҳам ҳозир бўлишди.

Гарвард университети қошидаги бизнесни бошқариш мактабининг профессори Пол Лоуренс АҚШдаги қарийб 150 компания Совет шериклари билан аралаш корхоналар ташкил этиш масаласига қизиқиш билдирганини таъкидлаб, «Икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорлик имкониятлари ғоят катта ва зарур тажриба ҳамда яхши хоҳиш-ирода бўлса жуда яқин вақт ичида ана шу имкониятлар ишга туширилиши мумкин», деб таъкидлади.

⊙ МИСР хавфсизлик кучлари Наср шаҳрида Банг савдогарлари шохобчасини тугатди. Операция чоғида бир миллион миср фунти миқдоридаги героин тортиб олинди. «Ахбор Ал-Яум» рўзномасига полиция вакилининг хабар қилишича, бу мусулмонларнинг муқаддас рамазон ойи кунларида наркотик моддалар билан савдо қилишга қарши ўтказилган тўртинчи катта операциядир.

⊙ ДАМАШҚ. Босиб олинган Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Ғазо минтақасида ялпи норозилик иш ташлаши бошланди. Кучайтирилган ҳарбий бўлинмалар Шарқий Қуддусга ва айниқса шаҳарнинг эски қисмига ташланди. Шаҳарнинг ана шу қисмига борадиган йўлларда ва кўпгина даҳаларда қўшимча назорат-рухсат масканлари пайдо бўлди. Фаластин қочоқларининг Байт Лаҳм шаҳри яқинидаги Ад-Духейша лагерида комендантлик соати амал қилмоқда.



⊙ ИТАЛИЯ. Милан шаҳрида 1990 йилнинг куз-қиш мавсумига мўлжалланган янги бичимдаги либосларнинг намойиши бўлиб ўтди.

АП—ТАСС суратн.

Ҳаёт зийнати

⊙ ЗАМОНА зийнати тинчлик бўлса, ҳаёт зийнати нондир. Биз уни улуғлаймиз, чунки у азиз. Лекин Юнусобод бозорида жойлашган 135-нон дўконини ўз ўрнида жойлашган дейишга тилингиз бормайди. Чунки хонаси тор, саранжом-саришталик қоидаларига хилоф бир жойдир. Шундай катта мавзе марказида жойлашган бозоримизда каталакдек жойдан ўрин олган нон дўконимизни кенгайтириб ёки бошқа бир жойга равонроқ қилиб солинса. Шунда мавзеда яшовчилар мамнун бўлишар эди. Ахир, савдода эстетика, маҳсулотнинг ранг-баранг турлари бўлиши керак-ку.

Т. МУЛЛАБОЕВ,
меҳнат ветерани.

Бекатларда сарғайиб

⊙ ЭЛЕКТР қуввати билан юрадиган транспортларга шаҳримизда эҳтиёж катта. Айниқса, эрта-ю кеч йўловчиларнинг узоғини яқин қиладиган трамвай-троллейбуслар ҳар доим жонимизга оро киради. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек бу беминнат дастёрларнинг ичида одамларни илҳақ қиладиган хиллари ҳам йўқ эмас экан. Кўпинча ана шундай ҳолга дуч келаман. Ўнлаб ҳамшаҳарларимиз эрта-ю кеч 7 маршрут бўйича қатновчи троллейбусни илҳақ кутиб туришган бўлишади. Яқинда неварам билан Янгиариқ бекатида шу маршрутни ярим соат пойладик. Бу орада 10-маршрут бўйича қатновчи троллейбуснинг еттитаси келиб кетди. Аммо бизга керагидан ҳадеганда дарак бўлавермади. Кейинчалик суриштирсам 7-маршрутдаги троллейбуснинг йўли узоқлиги учун ҳам шундай ҳол содир бўлаётган экан. Нима ҳам дердик. Эҳтимол бу важ ўринлидир. Аммо ҳадемай иссиқ кунлар бошланади. Бундай пайтда ярим соатлаб троллейбус кутишнинг ўзи бўладими?

А. НАБИХЎЖАЕВ.

Озгина ҳурмат керак

⊙ РИГА, Ленинград ёки Киев шаҳарларида бўлган одам кўчаларнинг чинидай тоза ва озодалигига тан бермай иложи йўқ. Бу ўринда мен ҳеч қандай бўрттирмага берилмоқчи эмасман. Боғларнинг, кўлларнинг, умуман чор-атрофнинг тозалиги кишининг баҳри-дилини очади. Шуларни кўриб, ўзимизнинг она шаҳримиз Тошкентнинг аҳволига жуда ачинасан киши. Негаки, ҳали тайёрадан тушмаёқ бу ердаги тартибсизликлардан дилингиз хира тортади.

Юмуш билан бирор ёққа бормоқчи бўлсангиз, чор-атрофингиздаги ларнинг қилаётган ишларини кўриб, дод деворай дейсиз. Автобус бекатларида, мактаб ва билим даргоҳларининг ўқув хоналарида ё чипта бўлаги, ё бўлмаса писта пўчоғи сочилиб ётади. Ўз уйимизни, кўчамиз ва шаҳримизни тоза ва озода тутиш ўз қўлимизда-ку. Бунинг учун биздан кўп нарса талаб қилинмайди, озгина жон куйдирилса, бошқалар меҳнатига ҳурмат билан қаралса бас. Қаллайи саҳардан қўлига супурги олиб, кўчаларнинг озодалигини сақлаб юрган оқ сочли онамиз тенги фаррошларнинг меҳнатини салгина бўлса ҳам кўз олдимизга келтириб кўрайлик. Инсоф ва диёнатни қўлдан чиқармайлик.

А. ОРТИҚОВ.

Назорат қилмайдими?

⊙ ЯҚИН йилларгача тежамкорлик улкан бойлик деган тушунча бор эди. Аммо кейинги вақтда уни ҳеч ким эсламай, тилга олмай қўйди. Мавжуд ресурслардан фойдаланишда юзага келган хўжасизликнинг асосий сабаблари ҳам шунда эмасмикан. Сувга эҳтиёж кучайган, электр қувватига талаб ортган ҳозирги вақтда кўпгина жойларда уни беҳуда совуришга йўл қўйилмоқда. Масалан, Фарҳод кўчасидаги 2-республика касалхонасининг ҳовлисида, Эски Жўвадаги «Гулистон» ресторанининг кўпчилик учун муҳим бўлган жойида катта сув оқими тўхтовсиз оқиб ётади. Бундай қаровсиз тармоқлар Тошкентда минглаб топилади. Электр чироқлари вақтида ўчирилмайди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда кечалари билан чироқ ёқиқлигича қолиб кетади. Бу маълумотларни ўтган йили «Водоканал» ва шаҳар электр тармоқлари идораларига жўнатган эдим. Афсуски иккала ташкилотдан ҳам ҳеч қандай жавоб олмадим. Аҳвол ўша-ўша ўзгармай қолди. Электр чироқлари бекорга ёнганда ёки сув беҳуда оқиб ётганда тегишли ташкилотларнинг мутасадди раҳбарлари ҳамёнларидан жаримани жарақ-жарақ санаб беришганида эди ҳамма нарсанинг қадрига етишарди. Ёки уларни ҳеч ким назорат қилмайдими?

Э. АБДУРАҲМОНОВ.

Дори қидириб

⊙ ИШХОНАДА ўтириб тўсатдан бошим қаттиқ оғриб қолди. Бешёғочдаги дорихонага кирдим.

— Бош оғриғини тўхтатадиган қанақа дори бор?

— Ҳеч қанақаси йўқ. — дейди доришунос қиз.

Жавобни эшитиб қулоқларимга ишонмадим. Сотувчи паришонхотирлик қиляпти шекилли деб қайта сўрайман:

— Бош оғриғи дориси...

— Қанақа одамсиз, йўқ дедимку ахир, — жеркиб берди сотувчи.

— Кечирасиз, дорихонада бош оғриғи дорини бўлмаганини биринчи марта эшитишимда...

— Ҳозир шунақа. Ҳеч қаерда йўқ.

Наҳотки куни-кеча харид қайтимига турли хил бош оғриғи дориларини таклиф қиладиган дорихоналарда чиндан ҳам шу аҳвол рўй бераётган бўлса? Шу куни биз Юнусободдаги ва шаҳримизнинг турли даҳаларига жойлашган бир нечта дорихоналарда бўлганимиздан сўнг бу саволнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилдик. Балки бу саволга мутасадди идоралар раҳбарлари аниқ жавоб беришар?

А. АБДУҒАФУРОВ.



Емаган сомсага...

⊙ БАЙРАМ кунларининг бирида маданий ҳордиқ чиқариш мақсадида В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройига бордик. Кассалар устидаги «Билетлар олдиндан сотиб бўлинган» деган, ёзув бизни ташвишга солди. Ахир бунақа имконият, ҳар доим ҳам бўлавермайди-да. Кайфиятимиз тушиб қайтиб кетмоқчи бўлиб тургандик нарироқда савдолашаётган йигитларга кўзимиз тушиб қолди. Улар ҳар бир билетни икки-икки ярим баробар нархда пуллашаётган экан. Олишга мажбур бўлдик. Аммо барибир концертга тушишга эришолмадик. Билетларимизнинг муҳри ўзгартирилган экан. Емаган сомсага пул тўлаб, дилимиз вайрон бўлиб уйга қайтдик. Шу ҳам инсофданми, ахир?!

Ҳ. ШОМУРОТОВА,
республика халқ маорифи аълочиси.

Сабримиз тўлди

⊙ МЕН Сергели район, Сергели кўчасидаги 64-уйда тураман. 1987 йили турмуш ўртоғим билан ажралишдик. У мени икки болам билан ошхонага мўлжалланган уйга кўчириб чиқариб қўйди. Мақсади бизни ҳовлидан бутунлай чиқариб юбориш эди.

Икки бола билан қаерга ҳам борардим. Шуни ўйлаб судга мурожаат қилдим. Район суди судра-судра билан ниҳоят биз ўтирган ошхонани номимизга расмийлаштириш ҳақида ҳукм чиқарди. Мана уч йилдан бери шу каталакдек уйда юрак-бағримиз қон бўлиб ўтирибмиз. Ҳўп эрим-ку болаларига меҳр-шафқат қилмади, ҳеч бўлмаса суддагилар бизга мурувват қилишса бўлмасмиди? Ахир қачонгача шу аҳволда яшаймиз.

Оғир шароитимни ҳисобга олиб менга квартира беришларини илтимос қилиб ишхонамга, кейин маҳаллага, район ижроия комитетига мурожаат қилдим. Ҳозирча улар ширин ваъдадан нарига ўтишмаяпти.

Ким билсин, бу ғамхона уйда сабр-косамиз тўлиб яна қанча яшарканмиз?

Д. ТОЖИБОЕВА,
тиббий хизматчи.

Этик ғавғоси

⊙ БУНДАН 1,5 ой илгари ўғлимга Бешёғоч бозоридаги оёқ кийимлар магазинидан 54 сўмлик калта қўнжли этик сотиб олгандим. Уни ўғлим атиги уч кунгина кийди. Тўртинчи куни қарасам, этикнинг таг чарми ва пошнаси бутунлай кўчиб кетибди. Кунлар совуқ, ўғлим ҳунар-техника билим юртига ўқишга бориши керак. Кайфиятим жуда ҳам бузилиб, этикни Ҳарҳоқ бозорида жойлашган ремонт устахонасига олиб бордим. Буни қарангки, усталар ҳам «7 сўм берсангиз тикиб берамиз» дейишди. Битта сифатсиз этик учун 61 сўм пулимиз кетди. Бу маҳсулотни ишлаб чиқарган Андижон пойабзал фабрикаси жамоасининг кўзи қаерга қараяпти? Нима учун бу корхонада ҳушбичим, пишиқ пойабзаллар ишлаб чиқарилмайди.

Андижон корхонасидагилар менга ўхшаган харидорларнинг пулини кўкка совуришаётганлиги ҳақида озгина бош қотириб кўрсалар бўлармиди?

С. НАСРИДДИНОВА,
Тошкент шаҳар, Акмал Икромов райони.

Майдонча қуриладими?

⊙ КЕЙИНГИ пайтда районимиздаги кўплаб мактабларга шароит яратиб берилди. Биз эса бор-йўғи 800-900 квадрат метр ҳовлига эгамиз. Билим даргоҳи, унинг микроучастказси, ҳатто яқин ўртада лоақал кичикроқ спорт майдончаси йўқ.

Ҳозир мактабимизда 800 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Уларнинг асосий қисми спорт турлари билан шуғулланишни ҳоҳлашади. Агар ўзимизда кичикроқ бўлса ҳам майдонча бўлганда эди, жисмоний тарбия машқларини бажариб чиниқардик.

Юқори синф ўқувчилари йиғилишиб, бир неча марта мактаб директорига арз қилганимизда, у киши ваъдадан нарига ўтолмадилар. Шундан сўнг редакцияга мурожаат этишга мажбур бўлдик. Танг аҳволимизни билгач, балки район халқ маорифи бўлимининг раҳбарлари спорт шаҳарчаси ёки майдонча қуришга рухсат беришса ажаб эмас.

Фрунзе районидаги 118-мактаб ўқувчилари номидан:

З. АБДУЛЛАЕВ,
З. АЗИЗХЎЖАЕВ,
жами 76 имзо.

Қуруқ ваъда

⊙ 1984 йили биз кўчиб кирган янги уйдаги қатор ташвишлардан қаттиқ азият чекяпмиз. Аввало қурувчиларга қаттиқ эътирозимиз бор. Уларнинг кўл учида бажарган ишлари энди ошкора бўлиб қолмоқда. Уйни қабул қилиб олган район раҳбарларининг ўша пайтда қаёққа қарашганига ҳайронмиз. Ҳозир унинг ремонтга муҳтож бўлмаган соғ жойи йўқ. Томдан чакка ўтиб ётибди. Ертўласи кўлмак сувга тўла. Турар жойлардан фойдаланиш бошқармасига бораверib чарчадик. Қаерга ёрдам сўраб мурожаат қилмайлик қуруқ ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти. Масъулиятсизлик ҳам шунчалик бўладими?

ЖАКБАРОВЛАР оиласи,
Лисунов кўчаси, 1-мавзе, 123-уй, 73-хонадон.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАР ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕНГАШИНИНГ ГАЗЕТАСИ. Ҳар ойда икки марта чиқади. «Тошкент оқшоми» нашри.

Маҳалладош

Апрель, 1990 йил. № 8 (21).

Томорқангизда

ЖЎЯКДАН УЗИБ ОЛИНГАНИГА НЕ ЕТСИН!

ОДАТДА шаҳардаги ҳовлилар, кўп қаватли уйлар олдида «бир парча» ер бўлади. Баҳор юмушлари қизғин паллага кирган шу дамларда бу майдончаларда барча турдаги сабзавотларни етиштириш мумкин. Шаҳарликлар кўпинча помидор, булғор қалампири, аччиқ қалампир, шунингдек турли хил ошқўлқоп ўстиришга мойил бўлишади. Бунинг учун аввало ернинг тупроғи юмшоқ, кун тушиб турадиган бўлиши шарт. Ер 20-25 сантиметр чуқурликда чопиб, катта-катта кесаклари майдаланади. Сўнгра ўғит солиб, экин турига қараб жўяк олинади.

Масалан, помидор жўякларининг кенглиги 35—40 сантиметр бўлиши кифоя. Дастлаб ариққа сув тараб, бироз захлатилади. Кўчатларнинг ораси 25-30 сантиметрдан ошмаслиги, ариқдан 10-12 сантиметр юқорига кун тушадиган тарафга экилишига эътибор бериш зарур.

Айрим кишилар жўякни ҳудди очиқ далалардагидек 70-80 сантиметр олиб, помидор ўсиб, палак отгандан кейин ерга ётқизиб қўйишади. Шаҳар шароитида, бу тўғри эмас. Чунки далада доимо шамол эсади, палак тагидаги ҳосиллар ҳам пишаверади. Шаҳарда эса жўякни торроқ олиб, помидор ўсиб, мева туккандан кейин ҳар бир кўчат ёнига ёғоч суқиб чиқиш ва ниҳолнинг ўсишига қараб 2-3 ери дан, авайлаб боғлаб чиқиш керак.

Экинни суғоришда сир эмас, кўпчилик хлорланган, водопровод сувидан фойдаланади. Шундай экан, пайкал тепасига чуқурча қазиб сувни ўша ерга буриш, кейин жўякка тараш тавсия этилади. Бунда хлор чўкади, сув тупроқ билан аралашади.

Булғор қалампири, аччиқ қалампир ва бақлажон учун 25—30 сантиметрлик жўяк олинса етарли. Кўчатларнинг ораси 20—25 сантиметр бўлиши лозим. У ҳам помидор каби экилади, илдиз отиб ўса бошлагач чопиқ қилинади. Экинни тунда суғориш, ҳар ҳафтада бир оз ёмғирлатиб туриш фойдали.

Ошқўқларнинг турлари кўп. Шивит, кашнич, селдир шпинат ва бошқалар. Шаҳар шароитида одатда жўяк олмасдан ерни текислаб, уруғ сепилади. Аслида жўяк олган маъқул. Уруғ қалин тушмаслигига ҳам эътибор бериш зарур. Тупроққа аралашиши учун ҳаскаш билан тирмаланади. Ер намлиқни яхши сақлаши, устки қатламни қатқалоқ бўлмаслиги учун қипиқ, майда гўнг юза қилиб сочилади. Кейин ёмғирлатиб ёки ариқдан сув берилади.

Имкони борича экинга қуйилган сув ариқ бўйлаб ташқарига чиқиб кетгани маъқул. Чунки майдон қўллаб қолмаслиги керак. Агар бунинг иложи бўлмаса, камроқ сув таралиб, ариқ чопиб, юмшатиб турилади. Шунда намгарчилик мўътадил сақланади.

С. МАҲКАМОВ,
Узбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-текшириш институти илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.



⊙ «МЕН ДАДАМНИНГ ШИРИН ҚИЗИМАН» Т. КАРИМОВ сурат лавҳаси.

Акс садо

Пойтахтнинг ўн икки дарвозаси

«Маҳалладош»да пойтахтдаги дарвозалар ҳақида мақолалар эълон қилина бошлагач, Сиз, азиз муштарийлардан қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилган кўплаб мактублар олдик. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.



«Шайхантоҳур»

ШАЙХАНТОҲУР дарвозаси ҳақидаги мақолани («Маҳалладош», 12-сон) диққат билан ўқиб чиқдим. Унда Шайхантоҳур дарвозасининг тахминан 1918—1925 йиллари оралиғидаги манзара муаллифнинг болалик йиллари хотираси асосида гавдалантирилган. Ўша кезлари бу жой шаҳарнинг энг сўлим зиёратгоҳи ва сайилгоҳи ҳисобланган, «Лангар» ҳовузи олдидаги чойхона ҳамда бозор ҳамиша гавжум бўлгани ҳақида баён қилинади.

Ҳозирги кунда Шайхантоҳур тушунчаси нуроний отахон-у, онахонлар тилидагина сақланиб қолган. Ёшларимиз эса даҳани фақат оғиздан-оғизга ўтиб келаётган маълумотлар орқали билишади. Чунки Шайхантоҳур номида на бирор кўча, на бекат, на маҳалла, на бир маъмурий бино бор!

Қадимий обидалар, ёдгорликлар, тарихий масканлар сақланмас экан, уларнинг номи ёзилган борлиги ҳам бирдан-бир кафолатдир. Шайхантоҳурнинг бош дарвозаси унинг тасвири ва маълумотлар асосида ўз ўрнида, шарқона услубда қайта тикланса айни муддао бўларди.

Т. АЛИҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди.

«Тахтапул»

Бу мақола («Маҳалладош», 17-сон) болалик йилларимни ёдга солди. Мен Учинчи тахтапулда туғилиб, «Билим» қизлар мактабида таҳсил олганман. Уйимиз ва билим даргоҳининг биноси ҳозир ҳам бузилмасдан турибди.

Уша кезлари отам бир воқеани гапириб берган эдилар. Айтишларича, Тахтапулдан ўтувчи катта сув Эрон шоҳининг номи Кайковус билан аталган. Ариқ устида тор кўприк бўларди. (Унй мен ҳам кўрганман). Эрон шоҳи шу кўприк олдига келганда филлари бу ердан ўта олишига кўзи етмай: «Тўхта филі» деб юборган экан. Шундан бери жой «Тўхтафил» номини олибди. Аммо вақт ўтиши билан бироз ўзгариб, Тахтапул бўлиб қолган.

М. АЛИХЎЖАЕВА,
80 ёшли онахон.

Зерикарли оқшомлар

«УЙДА ДИМИҚИБ ЎТИРАВЕРАМИЗМИ?..»

«ГУЛИСТОН» даҳаси Чилонзор районининг гавжум жойларидан бирига айланганига икки йилдан ошди. Аҳолига яратилган шарт-шароитлар билан танишиш мақсадида айни оқшом чоғи ташриф буюрдим.

Катта йўлдан ғизғиз машиналар ўтиб турибди. Шундоққина йўл четида эса 5-6 бола тўп ўйнаяпти. Нариронда кетаётган бир кекса киши уларга қарата:

— Барака топгурлар, машина йўлида тўп ўйнаманглар, бир нори-ҳол бўлмасин, — деди.

— Бошқа жой йўқда, отахон, — дейишди улар бараварига чуғурлашиб.

Наҳотки катта бир даҳада кичкироқ бўлса ҳам майдонча йўқ? Аслида ҳам шундай экан. Аввало шаҳарсозларнинг ўта масъулиятсизлиги туфайли уй-жой қуришда жиддий хатога йўл қўйилганини айтиб ўтиш керак. 4,9 қаватли бинолар асосан бир-бирига жуда яқин қурилган. Баъзи иморатлар эртадан-кечгача қуёшга «қалқон» бўлса, бошқасига қуёш тушмайди.

Маҳаллани айланамиз. Бирор кишининг сайр қилиб юрганини ёки 2-3 та бўлиб суҳбатлашиб ўтирганини кўрмадик. Ҳатто совуқ қиш кунларида уйда зўрға ўтиришган, бўш юлдуз дегунча ўйин учун кўчага чопадиган болалар ҳам кўринмайди. Атрофга назар ташлаб, сабабини тушундик. Йўлаб ўйнайдиган жой бўлмаса, болажонлар кўчада нима қилишсин?

Бир бино олдида икки-киши омонатгина «қўлбола» нурсида атрофни кузатиб ўтиришган экан. Улардан бири ўзини маҳалла комитетининг раиси деб таништирди. Комилжон ака Яминов бизнинг муддаомизни билгач, истар-истамас гап бошлади:

— Дастлабки кунларда одамларни йиғиб, бу жойни чиройли маҳаллага айлантириш учун талай режалар тузгандик. Амалга оширишнинг имкони бўлмаяпти. Одам яшайдиган ерда тўй, аза бўлади. Маросимларни ўтказишга жой йўқ. Шаҳар микроқўмига борсак, район микроқўмига юборишади, у ёнда ҳам юқоридаги нўрсатишади. Охири маҳалла аҳли ҳашар йўли билан ёпиқ шийпон, ҳдора, тергибот-ташвиқот ишлари олиб борадиган томошагоҳ қурадиган бўлдик. Ана шундан кейин ҳам райжикроқўмига 5-6 марта қатнадим. Охири кўнишди. Ер ажратиб берамиз деганларига 3-4 ой бўлди, меъморларни айтиб қўйганмиз. Улар бир неча марта келиб қуруқ қайтишди. Ҳали бино қуриладиган майдон аниқ эмас.

Комилжон ананинг гапларидан дилимиз ҳуфтон бўлди. Чунки баъзи маҳаллаларга ҳавасимиз келади. Ҳозирги, айни кунларда маҳалларга одамлар ишдан сўнг ҳовлиларда, май. донларда масза қилиб дам олишаяпти. Бу даҳада эса лоақал болажонларнинг йиғрашига шароит яратилмаган.

С. ШАМСИДДИНОВ.

«Ўрикзор»да янги мактаб

⊙ АКМАЛ ИКРОМОВ районимиз «Ўрикзор» даҳасида БУГУН 1176 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биноси қурилиши бошланди. Шунингдек 159-қурилиш трести бинокорлари мактаб қурилиши билан бир йўла 160 ўринли жажжилар учун боғча биносини ҳам бунёд этишга киришишди. Бинокорлар баҳор байрами 1 Майгача 163 минг сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга оширишади.

Д. АЪЛОЕВ.

Камарни боғлаб олинг!

Узоқ қишлоқдан бир танишим меҳмонга келди. Шаҳарни томошалаб юрган эдик. Кўйлиқ томонга ҳам ўтайлик, деб қолди. Ниқилоб хиёбони, дан таксида йўлга тушдик. Меҳмонга кўчалар, биноларнинг кўркамлигини мақтаб боряётганимда, машина қаттиқ силкинib кетди.

— Бошланди, буёғига камарларни боғланглар, — деди ҳайдовчи жиддий оҳангда.

Меҳмон қайрон бўлиб, менга қаради. Ҳайдовчи норозилигини яширолмади:

Тоживой тажанг— шаҳар кезади



Қуйбишев шоҳ кўчасига ҳечам соя тегмади-да, юришга юрагим безиллайди. Машинага қийнай, чуқурларга тушавериб қисмларим тез ишдан чиқадапти. Йўлдошларини-ку айтмаса ҳам бўлади.

Машина ҳудди шу гапларни ўқигандек, дам силкинар, дам чайқалар ёки бир томонга оғиб, темир арабадай тарақлаб борарди.

— Бизнинг қишлоқ йўли бундан анча текис, — деди таниишим чидолмай.

Ҳайдовчига секин шипшидим:

— Меҳмонни олдида тоза изза қилдингиз, жиян, тузуқроқ йўлдан юра қолмайсизми?

— Тоживой тоға, атайлаб шундай қилдим, — деди ҳайдовчи мийиғида кулиб. — Аҳволни кўриб йўл қурилиши мутасаддиларининг бир жиғини эзиб қўйдигани бўлдингиз.

Тасдиқ ишорасини билдириб бош чайқадим-да, муюлишда машинани тўхтатишни илтимос қилдим.

Тоживой анага иниси
С. АБДУЛЛАЕВ ҳамроҳлик қилди.

Корхоналар оталиғи

ХАЙРЛИ ИШЛАР

Ўтган йилнинг охирида Ҳамза район партия комитети пленумида район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгаши ҳар бир маҳаллага корхоналарни биркитиб қўйиш масаласини кўтариб чиқди. Бу ташаббусни ҳамма қўллаб-қувватлади. Шундан сўнг 32 та маҳалла билан корхоналар ўртасида шартнома тузилиб, ҳамкорлик бошланиб кетди.

— Асосий гап ҳужжат расмийлаштиришда эмас, балки хоҳиш-иродада, — деди район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Н. Ҳасанов. — Айтмоқчимизки, кўплаб корхона раҳбарларининг ўзлари бу ишга яқдилик билан киришдилар. Ҳозирги кунда кўрсатилаётган ғамхўрликлардан халқимиз миннатдор бўлмоқда.

Мана, қўлимизда Нодира номли маҳалла ва Тошкент енгил металл конструкциялари тажриба заводи ўртасида тузилган шартнома турибди. Ундаги мажбуриятлар билан танишар экансиз, маҳалла истиқболи яққол кўз олдингизга келади. Қисқа вақт ичида арк ўрнатилди, болалар майдончасининг атрофи сим тўсиқлар билан ўралди. Эндиликда зарур жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда ҳавза қуриш учун ҳужжатлар тайёрланаяпти. Йил охиригача маҳаллада дам олиш жойи барпо этиш мўлжалланган. Уз навбатида эса маҳалла қўмитаси корхонада ишлаётган ёшлар ўртасида таълим-тарбия олиб бориш, ишчилар етказиб бериш, ҳашар уюштириш, байрамларни бирга нишонлаш каби вазифаларни ўз зиммасига олган.

Бундай хайрли ишлар бошқа жойларда ҳам амалга оширилаяпти. Масалан, Мирзаробод ва Донишманд маҳаллаларида арклар ўрнатилди. Ҳамкорлик ёшлар тарбиясига сезиларли таъсир кўрсатаётганини таъкидлаш зарур.

— Ота-оналар кўпинча фарзандлари ишламай юргани ҳақида шикоят қилиб келишарди, — деди Ёқуб Алиев номли маҳалла комитетининг раиси Турғун ака Толипназаров. — Яқинда бизни оталиққа олган 145-автобазага тўрт йигитни жойлаб қўйдик, Улар слесарлик қилиш билан бирга, шоферликка ҳам ўқишаяпти. Автобаза маҳаллага 2 минг сўм пул ажратди.

Ташаббус Акмал Икромов районида ҳам кенг қулоч ёзмоқда.

С. ШОДИЕВ.

Яхши удумларимиз

ҲАМЖИҲАТЛИК МАСКАНИ

МАҲАЛЛА удумларидан энг яхши фазилат — бу, одамларнинг ҳамжиҳат, ҳамкор, дўст-биродор бўлиб яшашлари, бир-бирларининг ҳол-аҳволларидан хабар олиб туришлари, меҳр-оқибатли бўлишларидир. Инқилоб йиллари, очарчилик пайтлари, Улуғ Ватан уруши давр ларида маҳаллалар нафақат маҳаллий, балки, қўплаб миллат кишиларининг бошпанаси, тинчлик ва дўстлик масканига айланган.

Қадимда ҳар бир маҳалланинг маркази бўлган. Бу маркази «Гузар» деб аташган лар. Ана шундай жойларда озода ва яхши жиҳозланган чойхона, нонвойхона, сартарошхона, ҳаммом, қандолатхоналар бўлар эди. Гузардаги чойхона ва очиқ майдонларда дорбозлар, қўғирчоқбозлар томоша кўрсатар, қизиқчи ва аскиячилар элни кулдириб, ҳузуру роҳат бағишлашарди. Чойхоналарда кексалар, ўсмир-ёшлар, ҳаёт тажрибаси бор кишилар адаб, ахлоқ ва тарбия ҳақида, оилавий муносабатлар ва уй-рўзғор ташвишлари тўғрисида баҳслар юритишарди. Қозонларда ош дамланиб шўрвалар пиширилар ди. Маҳалла ёки гузардаги чойхонада ичкибозлик ҳам, уришжанжал ҳам бўлмас эди. Мабодо бирта-яримта маст бўлиб уйига келаётган бўлкон кўтарган тарзда ўтказилади.

Маҳалладаги чойхона ёки гузардаги чойхонада ичкибозлик ҳам, уришжанжал ҳам бўлмас эди. Мабодо бирта-яримта маст бўлиб уйига келаётган бўлса, чойхона олдидан ўтгани ўзлиб бошқа кўчадан айланиб уйига кирарди. Маҳалладаги ёки кўчада маст юриш уят ва иснод ҳисобланарди.

Маҳалла фазилатли удумларидан яна бири, бирор оиладаги тўй шодиёнаси ёки мотам маросимига ёшу қари баравар қатнашади. Тўйлар ҳам, маросимлар ҳам доно кексаларнинг, тажрибали кишиларнинг маслаҳати, ўша оиланинг бор-йўғига қараб, имкон қўтарган тарзда ўтказилади.

Маҳалладаги яшаган ҳар бир миллат кишиси — шу маҳалла, шу оила аъзосидек бўлади. Рус, қозоқ, тожик, татар, ўзбек, туркман, корейс, хуллас қайси миллат одами бўлишидан қатъи назар, тўй-маъракаларда, оилавий ҳашарларда ёки ҳамжиҳат қатнашадилар. Маҳалладаги миллатлараро муносабатлар ҳар бир миллатнинг тарихини, тилини, урф-одатини, маданиятини ўрмат қилиш негизига қурилганлиги ҳувончлидир.

Маҳалланинг яна бир фазилати — кўпчилик ҳонадонлар бир-бирларининг ҳол-аҳволидан, ижтимоий-иқтисодиётидан, уйдаги катта-кичикнинг тарбиясидан хабар олиб туришларидир. Бетоб қўшининг кўнглини сўраш, моддий қийналса ёрдам бериш, оилавий келишмовчиликни бартараф этиш, бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлиш ҳар бир инсон қалби да олижаноб туйғуларни уйғотади. Маҳаллаларда ана шундай яхши анъаналар доим қарор топиб боради.

Қари бор уйнинг — зарри бор, деганларидек ҳар бир маҳаллада қариялар бор экан, шу жой файзли бўлади. Ёшлар кексалардан ўрнак олиши, уларни ҳурматлаши, панд-насиҳатларига қулоқ солишлари керак. Кўп йиллик меҳнатдан сўнг узлуксиз дам олишга кузатилган кексаларимизга иккинчи фаолиятларини — маҳаллада яшаш ва ибрат намуналарини кўрсатишларига имконият яратиб бериш керак. Бунинг учун чойхона, кексалар уйлари ва дам олиш хоналари — клублар ташкил этиш лозим.

Шаҳримиздаги деярли ҳамма маҳаллаларда илгари шўх оқар ариқлар, анҳорлар ва зилол ҳовузлар бўларди. Ҳозир бирор маҳаллада ҳовуз йўқ, бетон ариқлардан сув оқмайди, ахлатхоналар вақтида тозаланмайди. Маҳалла шароитида ҳашар деб аталган удум-анъана борки, юқоридаги ишюмушларни маҳалла аҳли ўз кучлари билан осон ҳал қилишлари мумкин. Жумҳуриятимиз Коммунистик партияси Марказий Комитети ғамхўрлиги туфайли маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш яхши йўлга қўйилмоқда. Эндиликда маҳалла комитетларини, турли Кенгашларни мукаммаллаштириш, маҳалларга раҳбарликни ичил олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Т. РАСУЛЕВ.



⊙ ТОШКЕНТ қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳаллалар эҳтиёжи учун зарур бўлган халқ истеъмоли молларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилаяпти. Корхонанинг алюминий цехида таёрланаётган турли хил буюмлар аҳолига манзур бўлмоқда. Мазкур цех пешқадамларидан бири — Зенне Иброҳимова. Корхонада саккиз йилдан бери ишлаётган бу аёл касб сирларини пухта эгаллаб олган.

⊙ СУРАТДА: З. Иброҳимова цехда ишлаб чиқарилган қумғон билан.

Т. Каримов сурати.

Маҳалладош

ГАЗЕТА ТАШКЕНТСКОГО ГОРОДСКОГО СОВЕТА ПО КООРДИНАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАХАЛЛЯ.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 32-53-66, 33-99-42, 32-54-15.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

СОБИР Раҳимов районининг «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласи ёзувчилар, олимлар, ўқитувчилар, етук санъаткорлар, ишчилар маскани. 500 хонадонлик маҳалла аҳли орасида Улуғ Ватан уруши ветеранлари Мираҳмад Мирсодиқов, Қудрат Ғиёсов, Жўра Шермуҳамедов, Адҳам Маҳкамов, Нуритдин Назиров каби отахонлар истиқомат қилишади. Улар маҳаллада тўй ва маъракага харажатларини қисқартириш, ёш авлодни ватанпарварлиқ руҳида тарбиялаш борасида ажойиб ташаббуслари, фойдали маслаҳат ва насиҳатлари билан ибратбўлишяпти. Уларнинг босиб ўтган мазмунли ва жангҳоҳ йўллари газета саҳифаларидан ҳам кенг ўрин олган.

Куни-кеча бу оқсоқолларидан бири, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Қудратилла Тиллаев билан суҳбатлашиб қолдик.

...Ота ҳужжатлар орасидан сарғиш рангли расмни авайлаб олиб қўлимга тутқазди. Танк ёнида автомат ушлаб турган оддий солдат фашистларга ғазаби қайнаганидек қуролини маҳкам ушлаб турар эди. Ҳа, бу ўша, жуссаси кичик бўлса ҳам оёқ-қўлидан ўт чақнаган 21 ёшли Қудратилла ака эди.

Салкам беш йил давом этган уруш нималар қилмади. Не-не навқирон йигитлар фашистларни табасига таянтираман деб қутлуғ қон тўкди. Шаҳид бўлганларнинг орзу-умидлари бир умр ўзлари билан бирга кетди. Қудратилла ҳам ўқитувчи бўлишни дилига тугиб юрган эди, ўша суронли 1942 йилнинг май ойида шинель кийди.

Қисқа муддатли машғулотлар ортда қолди. Қ. Тиллаев душманларга қарши биринчи ўқини Воронеж фронтининг 35-полкида отди. Пенза—Чебоксари — Архангельск — Омега — Харьков шаҳри учун жангларда душманга бўлган нафрати шундоққина сезилиб турди.

1943 йилнинг февраль ойи Қудратилла отанинг қаётида бир умр муҳрланиб қолди. Ўша йили қиш қаттиқ келди. Тиш-тирноғигача қуролланган босқинчилар муҳим назорат объекти ҳисобланган 607-тепаликни эгаллашга киришдилар. Икки орада тенгсиз жанг бошланди. Қудратилла хизмат қилаётган полк жангчилари ўқ ёмғирларини писанд қилмай жанговар топшириқни бажариш ниятида қийинчиликларга бардош бердилар.

Қора тутунга бурканган ҳавода кўк ракета машъали ёнди. Бу олдинги маррани эгаллаш буйруғи эди. Оппоқ қор устида ётган жангчилар «ура» садолари остида душман истеҳкомига ҳужум бошладилар. Қудратилла граната отишга шайланган фашистни автомат билан ер тишлатди. У яна олга силжиди-ю чўккалаб йиқилди. Ўнг оёғининг сон суяги жизиллаб туришга мадори етмас эди. Сувсизликдан қуриган лабларига қон аралаш қорни босиб ҳушидан кетди. Ҳарбий ҳамшираларнинг ярадорларни от судрайдиган чанага солиб ўрмон ичкарисига йўл олдилар.

Шифокорлар қанчалик жон қуйдирмасинлар ҳарбий комиссия ҳайъати Қ. Тиллаевни жанговар сафга яроқсиз — иккинчи гуруҳ ногирони, деб топди. Кўкси жанговар медаллар шодасига тўла Қудратилла ота тинч меҳнат фронтини ўзи истиқомат қиладиган маҳалласидаги 139-мактабдан бошлади. У қарилик ғаштини суришга чиққунга қадар шу ерда ишлади ва ёшлар тарбиясига муҳим эътибор берди. Ота беш фарзандни тарбиялаб вояга етказди.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Ҳамон сафда

ИЗИДАН ЎТ ЧАҚНАГАН



⊙ **ҒАЛАБАНИНГ 45 ЙИЛЛИГИГА** бағишлаб жойларда турли хил тадбирлар ташкил этилмоқда. Бундай дамларда Чилонзор районидаги «Қурилиш» маҳалласида уруш қатнашчиларининг меҳнат жамоалари ва мактаб ўқувчилари билан учрашувларини ўтказиш одат тусига кириб қолган. Кексалар ёш авлодга оғир уруш йилларн ҳақида гапириб беришади.

Суратда: маҳаллада ўз фаоллиги билан ҳурмат қозонаётган Улуғ Ватан уруши кексаларидан Муҳиддин Саъдуллаев (чапдан), Тоҳир Усмонов, Карим Нурмуҳаммедов, Дмитрий Бурковский ва Аҳрор Қаҳҳоровлар.

Х. Мирзакаримов сурати.

Очил дастурхон

Ушоғи ҳам увол бўлмасин

⊙ Қарамнинг бергларига қараганда, тозаланмаган ўзагида саломатлигимиз учун фойдали бўлган С витамини кўпдир. Шу боис уни ташлаб юборишга шошилманг. Мана битта рецепт: ўзакни гўшт майдалагичдан ўтказинг, туз қўшинг, сутга солинг ва қайнашига қараб 5 минут пиширинг. 15—20 минут қопқоғи ёпиқ ҳолда туришга имкон берганг, мой солинг. Лазатли ва тўйимли икра ҳосил бўлади. Бундан ҳам ғарнир, ҳам газак сифатида фойдаланиш мумкин.

⊙ Чирнган сутни нима қилиш керак? Бу савол кўпгина уй бекаларини ўйлантиради. Уни ҳамма вақт ҳам хамирга қўшиб ишлатиб бўлмайди. Чирнган сутдан тўйимли сут оқсили — творог ва ундан турли-туман жуда фойдали ҳамда лаззатли таомлар тайёрлаш мумкин. Бунинг учун чирнган сутни кастрюлкада паст оловда оқ-нуқоқ чўмма (оқсил) ва оч-яшил зардоб ҳосил бўлгунга қадар иситинг. Сўнгра кастрюлкани ичидагиси билан тезда совутинг ва тўрт қават дока ичига солиб 1-2 соат давомида зардоби оқиб бўлгунча қўйинг. Ҳосил бўлган ярим тайёр таом — творог ёқимли маза ва ҳидга эгадир.

⊙ Анъанавий равишда гўшт, балиқ, ёрмали таомлар тайёрлаш 3 соат давомида бетўхтов ҳайнатишни тақозо этади. Масалан, шўрванн бундай ҳайнатилганда ундаги витамин ва пигментлар емирилади, озиқ-овқат маҳсулотларидаги моддаларнинг 20 фонзи йўқотилади. Уз ўзидан маълумки, бу тайёр маҳсулотларнинг овқатлиқ ҳиймативнн пасайишига, яна жуда зарур бўлган — озиқ-овқатлар, газ, электр энергиянинг ортиқча сарф бўлишига олиб келади. Мана шу ерда «антракт» (танаффус) йўли билан пиширнш усулм қутқаради. Масалан, гўшт бўлаги иссиқ сувга солинади, қайнатишгача олиб бориладн, нўпгинни олмасдан 5 минут қайнатилади. Шундай қилиб, гўшт юмшагўнча бир неча маротаба қайнатилса лазатлн ва фойдалиқоқ бўладн.

М. ҲАКИМОВ тайёрлаган.

Фаолларимиз

«НАВРЎЗ» ЧИРОЙ ОЧМОҚДА



ЙЎЛДОШ шаҳарча — Сергели томон бораверишингизда йўл бўйида салобат ташлаб турган 9 қаватли янги уйларга кўзингиз тушади. Улардаги хонадонларга юзлаб ҳамшаҳарларимизнинг кўчиб келишганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо «Сергели — 8 «А» даҳаси ўз кўринишига эга бўла бошлади. Чор атроф тартибга келтирилиб, тозаланди. Уларнинг олдида томорқа учун ажратиб берилган кичик ерларга ўтган йилнинг кузи ва бу йилнинг эрта баҳорида ўтқазилган дарахтлар ниш уриб, куртак ёзди.

— Даҳани гуллаб-яшнатиш орзуси ҳеч биримизни эътиборсиз қолдирмаяпти, — дейди 3-уйда истиқомат қилувчи пенсионер отахон Муҳаммаджон Раҳимов. — Кўчат экиб атрофни кўкаламзорлаштириш, мевали дарахтларни кўпайтиришга ҳамма жон-жон деб кўшилмоқда. Ана шу зайлда ўз яшаш жойимиздаги бўш майдонлар ўзлаштириб боришяпти. Яшаш жойимиз чирой очмоқда.

Муҳаммаджон Раҳимов даҳадаги тинчб-тинчимас отахонларнинг бири. Йил бошида шу ерда яшовчи кексалар уни маҳалла комитетининг раиси қилиб сайлашган эди. Отахон аҳоли билдирган ишончни оқлаш учун фақат чор-атрофни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш билан чекланиб қолмади. Ҳаётнинг бошқа соҳасида ҳам маҳалла аҳлининг мушкулини енгил қилиш учун астойдил ҳаракат қилди. Отахоннинг ташаббуси билан маҳаллага яқинда Наврўз номи берилди. Тўй-ҳашамларда, бошқа маросимларда эл-юртга дастурхон ёзиб кутиб олиш учун керакли асбоб-анжомлар ҳозир этилди. Чойнак-пиёла ва бошқа идишлар бут бўлди. Энди маҳалланинг бошқа эҳтиёжи учун зарур бўлган нарсаларни олиб келиш тараддуги кўрилмоқда.

— Маҳалла аҳиллик оиласи, — дейди Наврўз маҳалла комитетн раисининг муовини Зуннун Юнусов.—Одамларнинг бошини қовуштириб, хайрли ишларга чорлаш осон гап эмас. Аммо Муҳаммаджон ака бунинг уддасидан чиқмоқда. Маҳалла аҳлининг тинч ва осойишта турмуш кечиришини таъмин қилмоқда. Маҳаллага қарашли уйларда мингга яқин оила яшайди. Аммо тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш учун бу ерда ҳеч қандай шароит йўқ. Маҳалла комитетининг раиси бунга барҳам беришнинг йўлини топди. Ҳашар йўли билан оилалардан маблағ тўплаб, тўйхона қуришга киришди. Сергели районн ижроия комитетн раҳбарлари раисга бу ишда яқиндан ёрдам бердилар. Ҳозир тўйхонанинг лойиҳаси ниҳоясига етказилмоқда. Ҳадемай бу ерда бинo қурилиши бошлаб юборилади.

Маҳалла ишини ана шу тарзда фаоллаштиришнинг манфаатли томонлари кўп. Қаерда бу иш яхши йўлга қўйилган бўлса оилнаётган самара ҳам шунчалик қувончли бўлади. Маҳалладаги ҳали бирон келишмовчилик ёки жанжал бўлгани йўқ. Одамлар бир-бирининг қадрига етмоқдалар. Бу билан жиноятчилик ва бошқа ҳар хил кўнгилсиз воқеаларнинг олди олинаяпти.

Даҳада қатор муаммолар ҳам йўқ эмас. Унинг қурилиши ҳали тўла поёнига етказилмаганн уч квартал боғчаси, мактаб, озиқ-овқат, мева ва сабзавот дўконлари каби муҳим социал иншоотларга катта эҳтиёж сезилмоқда. Кўчаларга кечки пайтлари сув сепадиган машиналар келмаяпти.

Бу масалаларнн ҳал этиш, аҳоли шароитини яхшилаш ўз-ўзидан бўлмайди албатта. Аммо маҳалла комитетн раиси Муҳаммаджон ота Раҳимов бўш келишни билмайди. Тез-тез мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари ҳузурида бўлиб турибди. Маҳалла фаоллари Султон Тоймуродов, Аъзам Орифхўжаев, Маҳмуджон Тўҳчиев, маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси Коммуна Мирзаҳмедова ва бошқалар бу ишларда Муҳаммаджон отага яқиндан ёрдам бермоқдалар. Кўпдан кўён қочиб қутулмас деганлардек вақти келиб маҳалла аҳли ҳашар йўли билан тикланган бинода тўй-ҳашамларни, яхши кунларни нишонлаши муқаррар.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

Ҳуқуқшунос тушунтиради

К. ҲОШИМОВ: Биринчи хотининг ўз юртига кетиб қолди, иккинчиси ёмади. Ҳозир учинчиси билан яхши яшаяпман. Айтингчи, менга ўхшаганлар кўпхотинлилар қаторига киради-ми?

ЖАВОБ: Йўқ, албатта. Қонунчилик умумий рўзғор асосида икки ёки бир неча хотин билан яшаётган эрга жавобгарлик белгилайди. Биринчи хотини билан ҳақиқатда ажрашган, аммо тегишли ҳужжатни расмийлаштирмай туриб, иккинчиси билан никоҳдан ўтиб, бирга турган шахс граждаилик ҳолати аҳтарини қайд қилиш ҳақидаги қонунни бузган ҳисобланиб, Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 201-моддасига кўра жиноий жавобгарликка тортилади.

К. ТУРСУНОВ: Биз Юнусобод даҳасида истиқомат қиламиз. Яшаб турган уйимизни алмаштирмоқчи эдик. Тегишли идорага мурожаат қилсак, рухсат берилмади. Шу тўғримн?

ЖАВОБ: Агар турар жой ижарага олинғани ҳақидаги шартнома бекор қилинса, ордер ҳақиқий эмас деб топилса, уйжой қуриш ширкати аъзосига уни ширкатдан чиқариш тўғрисида масала қўзғатилган бўлса, уй-жойни алмаштириш савдо-сотиқ характерида ёки алмаштириш натижасида ижарага олувчининг уй-жой майдони ҳажми кичиклашиб қолган тақдирда турар жойларни алмаштириш мумкин эмас.

А. ҲАСАНОВ.

Одобингдан айрилма

ОТА РОЗИ—ОЛАМ РОЗИ

УШБУ пурҳикмат нақлда олам-олам маъно бор. «Каломнинг аввали салом», деганларидек иззат-ҳурмат, барча эзгуликлар энг аввало инсонни дунёга келтирган ота-онадан бошланмоғи керак. Агар ким отасини розн қилолмаса, бошқа ҳеч кимни розн қилолмайди.

Профессор дўстимнинг отаси касалга чалиниб, тўшакка михланиб қолди. Уғлининг куйиб-пишиб ота қошида парвона бўлаётгани бизларга ҳам таъсир қилмасдан қолмади. Тасалли берган эдик, «Бу киши менга нафақат ота, ҳам онадир», — деди. Билсак, дўстимиз олим бўлишида бу инсоннинг хизматлари ниҳоятда катта экан.

Кетмонга суянган кишининг сағир болани профессор даражасигача етказиши осон бўлмаслиги ҳаммага аён. Ҳа, шўрлик ота меҳрини ҳам, қалб кўрини ҳам, ҳамма-ҳаммасини унга бахшида қилган эди. Шундай зот бугун нотавон, аҳволи ночор. Унинг ранги-рўйинга қараб ўғли ич-ичидан эзиларди.

Шундай дамларда профессорнинг шогирдларидан бири келиб, янги чиққан китобн билан табриклади. Юрагига қил ҳам сиғмай турган дўстимиз «Ҳа, майли» деб қўяқолди. Чунки унинг бутун диққат-эътибори падари бузрукворида эди. Хушхабарни эшитган Орифжон «отага тасалли беришда, мана шу китобдан фойдаланамиз», деб қолди. Лекин дастхат матни зўр бўлиши керак. Хуллас, бирга ўйлашиб кўрганимиздан кейин, қуйидагилар ипга тизилди:

«Мени дунёга келтириб, ҳаёт неъматлари билан сийлаган мўътабар қиблагоҳим, ўзи емай-едирган, киймай-кийдирган, бировлардан кам бўлмасин деб ўзини қар кўйга солган заҳматкаш инсон, мўътабар тарбиячи, ҳаётдаги устозим — отажонимга. Берган тузингиз, муруввat эъзозингиз ҳурмати, таъзим билан ушбуни тақдим этаман. Уни ёзишимда менга ақл бўлган ўғитларингизга қуллуқ, куч-қудрат бахшида этган меҳрингиздан айланай. Ўғлингиз Исо».

Китобни қўлтиқлаб олган Орифжон мулойим салом бериб, бемор ётган хонага кириб борди. Ота ярим очиқ кўзларини аста юмиб, «алик» маъносини биддирди. Орифжон ҳолаҳвол сўрагач: «Отахон, Исонинг янги китоби чиқибди, биринчисини унинг дастхати билан сизга олиб келдим», деди. Шунда отанинг кўзлари каттароқ очилиб, нимадир «илт» этгандек бўлди. Китобни бемадор қўлларига олиб, лабига босди, кўзига суртди. «Раҳмат, болам» деган сўзларни билинар-билинмас пичирлаб айтди.

Ўғил меҳри сабабли ёки муолажаларми, кўп вақт ўтмай, ота анча тетиклигини айтиб, ўрнидан турғазишларнн сўради. Исо Исломовичнинг хурсандчилиги чексиз эди. Хонадонинг таянчи, фарзандларининг меҳрибон бобоси, маслаҳатгўй устози ёнида.

Ҳа, азизлар, доно оталаримизнинг борлиги давлат, суҳбатлари жонга малҳам. Улар эзгуликларни авлоддан-авлодга етказувчи жонли қомус. Ахир қарилар бўлмаса, ақлли ёшлар қаерда, шундай эмасми?

Мусақул УСМОНОВ,
тарих фанлари номзоди.



Кенжа районда

ИЛК РЕЖАЛАР, ТАШВИШЛАР

⊙ **Пойтахтимиз таркибига киритилган Бектемир районида ҳозир 28 минг аҳолн истиқомат қиляпти. Уларнинг асосий қисми руслар, корейслар, ўзбек ва бошқа миллат вакилларидан иборат. Мавжуд маҳаллалар ва бу жойлардаги аҳвол ҳақида район ижроия комитетн раисининг ўринбосари А. Йўлдошев шундай деди:**

— Ҳозирча район чегараси аниқ эмас. Шу боис келажакда ўзгаришлар бўлиши мумкин. Маҳалларга келсак, улар бизда бор-йўғи иккита. Қолган турар жойлар ҳали маҳалла сифатида шакланмаган. Шунисн ачинарлики, оилаларга ижтимоий шароитлар яратиб берилган эмас. Ҳали маҳалларда отахонлар чойхонаси, даъватхона, ёшлар маркази йўқ. Кўчалар ўнқир-чўнқир, асфальтланмаган. Шунга қарамай, тўй-маъракага ва бошқа маросимлар бамаслаҳат ўтказилаяпти. Айниқса, Наврўз байрами кўп миллатли халқимизнинг ҳақиқий шодиёнасига айланиб кетди.

Ҳозирги кунда юқорида тилга олинган маҳаллаларда 2 минг 100 хонадон бор. Уларда ҳамиша аҳиллик, тинч-тотувлик ва замонавий урф-одатлар қарор топиши учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Шу пайтгача қабристон йўқ эди, яқинда 10 гектар ер ажратиб бердик. Мачит қурилаяпти.

Район чегарасига аниқлик киритилгач, биринчи навбатда кўп қаватли уйлар ва унинг атрофида яшаётганларни маҳаллаларга бирлаштириш режалаштирилган. Шарқ услубидаги бозорча қайта таъмирланиб, яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Ғалабанинг 45 йиллиги муносабати билан эса «Водник» даҳасида ёдгорлик очиш ниятимиз ҳам бор. Кўриб турибсизки, асосий ишлар ҳали олдинда.

Суҳбатдош Д. ОБЛАЕВ.

СУРАТДА: маҳалла фаолларидан бир гуруҳи навбатдаги режалар ҳақида суҳбатлашишяпти.

И. Шербеков сурати.

«Маҳалла» дастури—назоратимизда

УМИДАНИНГ БОҒЧАСИ ҚАЧОН БИТАДИ?

ЯККАСАРОЙ маҳалласида яшовчи Х. Тожиева кўлида кафолат хати бўла турнб, фарзандларнин уйига яқинроқ жойдаги боғчага кўчириш учун бир йилдан бери сарсон бўляпти. Бешёғоч даҳасида ҳам кичкинтойлар маскани етишмайди. Шу боис Тошкент чинни заводининг назоратчиси Ш. Юсупова икки фарзандини уч квартал наридаги боғчага элтиб, кейин ишга кетади. Кечқурун эса уларни олиб келиш учун яна боради. Ҳар куни шу аҳвол.

— Қизим Умидани туғилган пайтда навбатга қўйган эдим, — деди бир онахон куюнчаклик билан. — Ҳозир у тўрт ёшдан ошди. Кўриб турибсизки, ҳадемай мактабга ҳам боради. Аммо ҳануэгача уни боғчага жойлолмаяпман.

Маҳаллаларда бўлган кишн бундай эътирозларни кўплаб эшитиши мумкин. Ҳақиқатдан боғча масаласи ҳозирги куннинг асосий муаммоларидан бири бўлиб турибди. Баъзи ўзбек оилаларида 7-8, ҳатто ўндан ортиқ фарзанд бор. Аммо уларнинг кўпчилиги боғчага боришмайди. Оқибатда оналар бирор корхонада ишлолмай, уйда ўтиришга мажбур бўлишяпти.

— Бизда 4 мингдан ортиқ болалар яшайди,—деди Октябрь районидаги Маҳкон Уйғур маҳалла комитетининг раиси А. Аълоев. — Пешонамизга бор-йўғи битта боғча битган. Унда 80 нафар кичкинтой тарбияланади, холос. Бу эса оталарнинг ўртасида норозилик келтириб чиқараяпти.

Хўш, бундай вазиятдан қутулиш учун нима қилиш керак? Боғча қуриш учун маҳаллага алоҳида маблағ ажратилмаган. Шундай бўлгач, хонадонларда болалар боғчаси очишни кўпайтирган маъқул эмасми? Масалан, Чилонзор районида икки ярим мингга яқин одам мактабгача болалар муассасаларига навбат кутиб турибди. Шунн эътиборга олиб, район ижроия комитетн оилавий болалар боғчасига 10 та квартирага ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Муаммони ҳал этишнинг яна бир йўли бор. Аҳволни синчиклаб ўрганишимиздан маълум бўлдики, шу пайтгача шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан маҳаллалардаги боғчалар алоҳида ўрганилмаган. Ҳозир пойтахтда жамн 650 та кичкинтойлар масканн бўлиб, уларда 170 минг нафардан ортиқ бола тарбияланмоқда. Аммо шу боғчалар ва тарбияланувчиларнинг неча фоизи маҳалладан эканлиги тахлил этилмади.

— Илгари маҳалларда боғча қурилишига етарли эътибор берилмаган, — деди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т. Нурмуҳамедов. — «Маҳалла» дастурнни ишлаб чиқишда бу камчиликни эътиборга олдик. Текшириб кўрилганда кўп жойларда, масалан, С. Раҳимов районидаги «Чимбой» маҳалласида бирорта боғча йўқлиги аниқланди. Ҳозир «Бинокор» хоккей командасн базасининг эски биноси, боғча учун таъмирланаяпти. Келинн — 2 даҳаси, Улуғбек посёлкаси ва бошқа жойларда ҳам қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Ҳар бир маҳалланинг ўз боғчаси бўлиши ҳаётий эҳтиёж эканлигини ҳисобга олиб, шу ҳақда қисман сўз юритдик.

Д. САЪДУЛЛАЕВ.

Ибрат олса арзийди

Саҳнада—Қўчқоровлар

Нозима ая бахтиёрлар саҳнасида туриб, одамларнинг меҳрли йиғоҳларига қарайман, деб сира ўйламаган бўлса керак. Аёлнинг чеҳрасида таъриф бериб бўлмас ҳаяжон, энтикиш...

Бахтиёрлар саҳнаси дедик. Нега шундай, у саҳна нима ўзи? Шаҳримиздаги санъат даргоҳларидан бири — «Ёш гвардия» драма театри сўнгги йилларда ана шундай янгича анъаналарнинг ташаббускори бўлиб чиқди. Пойтахт маҳалларидаги ҳар томонлама намунали оилалар танланиб, мазкур даргоҳ саҳнасига таклиф этилади. Бутун маҳалладошлар тўпланган томошагоҳда, улар йиллар давомида ортирган тажриба, қайнона-келин муносабатлари, тотувлик, кўшинчи, оила сирлари ҳақида гапириб берадилар. Маънон Уйғур маҳалласининг жамоаси бу сафарги учрашувга Абдукарим ака Қўчқоров хонадонини муносиб кўрибди.

33 йил бирга кечирилган умр дафтарини варақлаб кўриш, албатта, қизиқарли. Бежиз эмас, кечани олиб борувчи иқтидорли санъаткор Дилбар Каримова Нозима аядан шу ҳақда сўради.

— Оиланинг оғир-енгилини мардонавор, елка тутиб енгган кишигина меним ча чинакам бахтини топади, — деб ҳикоя қилади ая. — Умр йўлдошингиз билан сан-манга бормаганмисизлар? — деб сўраяпсиз. Бўлган, албатта. Бундай пайтда бир киши ҳамиша ён босиши керак. Мен кўпроқ аёл киши шу йўлни танлаши керак, деб ҳисоблайман.

— Келинлик пайтингизни эслаб турасизми?

— Албатта. Бундай кезларда раҳмат ли қайнонамнинг меҳрибон, оқила сиймоси кўз ўнгимда гавдаланади. Улардан кўп нарсани ўргандим, турмушда ҳамиша яқин кўмакдошим эдилар.

Давра бошқарувчиси айтганидек, бугун у киши саҳнада умр йўлдоши, фарзандлари-ю набиралари, келинлари-ю куёвлари билан ўзларини кўз-кўз қилгани эмас, оила қомусидан бир шингил бўлса ҳам сабоқ бериш учун таклиф қилинган. Негаки, охирги пайтларда оила қуриш ва ажралиш пиёладаги совуқ сувни ичиб юборишдек осон бўлиб қолганлиги ҳаммага аёндир. Сабабларини кўп нарсалардан қидирдик. Ёшларни айбладик, ҳозир ҳам давом этмоқда. Хуллас, бу борада ижобий силжиш ҳали сезилмаётир. Ажримлар, қўйди-чиқдилар, етимхоналарнинг тўлиб бориши... Озгина бўлса ҳам унинг олди олинар, деган мақсадда «Ёш гвардия» драма театри маҳаллалар билан шу йўлни танладими, табриклаш керак.

Энди юқоридаги суҳбатга қайтайлик. Оилада тотув иттифоқ тузиш учун нималарга эътибор бериш керак?

— Оила бошлиқлари сабот ва чидамли бўлишлари зарур, — дейди Нозима ая. — Ёш келинга қайнона доим йўл-йўриқлар кўрсатиб, турмушдан сабоқ бериб боради. Чунки келин рўзғор, оила сирларини қанчалик тушунмасин, барибир ёш, тажрибаси йўқ. Энди йигит-қизларни оилага тайёрлаш масаласига келсак, оналарнинг бунга кўпинча вақтлари йўқ. Масалан, мен 12 фарзандим бўлишига қарамай, 20 йил давлат корхонасида ишладим. Қайнонам бўлмаганларида, билмадим ҳолим нима кечарди.

Нозима ая билан Абдукарим аканинг ҳаёт йўли учрашувга келган ёшлар учун катта сабоқ. 12 фарзандни тарбиялаб, вояга етказиш осон иш эмас. Шу боис уларнинг ҳар бир ўтити, насиҳатлари дуру гавҳар. Бугун мана шу ҳамжиҳат хонадонлар ярага кўпайса, сергарданда ўзбек оилаларининг номи кўкка кўтарилса, бу айни муддао эмасми? Шу ҳусусда маҳалла хотин-қизлар кенгаши ҳамда театр ижодкорларига тасанно айтиш лозим. Ахир биргина учрашувда ёшлар ҳам ҳаётни ўрганадилар, ҳам вақтларини сермазмун ўтказиб, маданий савияларини оширадилар.

Ф. ҲУСАНОВА,
В. МАДИМАРОВА.

Ёзувчи ўйлари

Ҳожатбарор бўлинг, азизлар

⊙ Баҳсимиз — қандай одам элда азизу мукаррам саналиши ҳақида. Бунинг учун қанақа яхши фазилатлар эгаси бўлмоқ лозим? Энг яхши инсоний хислатлар ичида улуғи қай бири? Раҳм-шафқатликми ё меҳрибонлик? Балки оқибатдир? Балки мурувватпешалик? Ҳалимлигу ширинзабонлик-чи, унга нима етсин?

ЯХШИ хислатларга эга бўлган зотларнинг юзида ҳамиша бир нур балқиб туради, кўрган сари кўргингиз, суҳбатлашган сайин суҳбатлашгингиз келади. Руҳингизда бир енгиллик, мунаввварлик туясиз. Улар чинданам бу, дунёнинг бутун одамларидир. Улар ҳожатбарор бўладилар. Чунки у инсоний хислатлар ичра энг зарури, кунда кераги. Ахир ҳожатманд одамлар озми? Биров камёб дорига, биров ноёб молга муҳтож, кимдир шифо истайди, кимдир даво излайди, дегандай бу турмушда нималар бўлмайди? Бир сўз билан одамнинг иши одамга тушади, одамнинг иши одам билан битади. Агар ҳеч ким ҳеч кимга қайишмаса, бу дунёда яшаб бўлармиди!

Бир куни яқин дўстимизнинг қовоғида ғудда пайдо бўлиб қолди. Хол бўлиб хол эмас, сўгал бўлиб сўгал. Тепасида кичкина учи ҳам бор, эсангиз ўзи тошдек каттик. Лекин кўз устида жуда ғалати бўларкан. Уч-тўрт жойга қатнаб, тайинли бир маслаҳат ололмади. Бу орада ўша учига нимадир тушиб, ҳалиги нарса қизариб кетди. Кўз нозик нарса, қўрқиб дўхтирга қатнай бошлади. Жарроҳлар бизга тегишлимас дебди. Кўз дўхтирлари эса аллақандай мой ёзиб беришибди. Лекин у қани энди кетса. Баттар қизариб, лўқиллай бошлади.

Маслаҳат билан таниш дўхтир излади. Бир оғайниси бошлаб борса, бунинг кўзиниши ҳунук, текширтириш керак, деб онкологларга жўнатишибди. У ерда мутахассис аёл эса, энди ёрилибди, қотганида келасиз, деб қайтарибди.

Дўстим айтади:

— Ўша ердан бир машина ушлаб, орқага қайтдим. Тўғри Суннатбек аканинг олдига бордим. Ўзи фельдшер бўлса ҳам яра-чақани яхши билади, кўзи пишиб кетган дейишарди. Рост. У киши қани, дедию нозик қисқич билан титкилаб, мошнинг куртагидек оқ бир нарсани олиб ташлади-да, шўр пахта билан боғлаб қўйди. Ўша дорисидан бир шишачага ҳам солиб берди. Икки кунда мусаффо бўлиб битиб кетди-я. Ҳатто изи ҳам қолмади. Бунақа ҳожатбарор одамни ҳеч учратмагандим.

Чиндан ҳам ҳалиги одам пойтахт областимизнинг Калинин районига қарашли амбулаторияда ниҳояти фельдшер бўлиб энг камида ўттиз йилдан бери ишлайди. Шу одам бултур СССР соғлиқни сақлаш аълочиси бўлди. Хўш, Суннатбек Давронбековнинг элда азизу мукаррамлиги ҳожатбарорлигидан бўлмай, нимадан?

Мен ана шундай дўхтирлардан бир қанчасини биламан. Шаҳардаги марказий касалхона шифокори Набира Зиёдова, 10-поликлиниканинг бош шифокор ўринбосари Раъно Валимова, Калинин район поликлиникаси шифокори Соиб Содиқовлар худди Суннатбек ака каби ҳожатбарор кишилардир.

Мен гапни дўхтирлардан бошладим, лекин шундай яхши фазилати билан эътибор топган одамлар бошқа соҳаларда йўқми? Ҳожатбарорликка ўрин кўп. Айтайлик, кимдир тўсатдан оғриб қолди. Яқин-орада телефондастёр йўқ. Шунда зир югуриб машина излайсиз. Катта йўлга яқин бўлсангиз майли, такси тутарсиз. Ичкарликда турсангиз-чи, бирорта ҳожатбарор қўшнингизга ялинасиз-да. Бунақа вақтда, ҳўп ака, бир оғиз сўзингиз, деб машинасини ўнглаб турадиганлар бор. Ўнта баҳонани рўкач қиладиганлар ҳам бор. Шунда кимнинг қандайлиги билинади-да. Ёки бошқа бир мисол. Сиз шаҳардаги тузукроқ идорада ишлайсиз. Ёнингизда уч-тўрт хил телефон, тагингизда машина бор. Хуллас, қўл чўзсангиз қўлингиз анча ерга етади. Лекин маҳалланигизга газ келмаган, канализация йўқ, кўчалар ўн йил бурун ямалганча ётибди. Магазин ҳам наридан-бери қурилган. Маҳалладагилар идорамадан юришибди-ю, лекин бир иш чиқара олмаётир. Шунда сал қайшворсангиз, шу маҳалланинг зиёли бир одами сифатида тегишли идоралар билан гаплашиб, ишни силжитиб берсангиз асакангиз кетмайди. Тўғрими? Ахир бўлса, шу юртга бўлади-ку.

Маҳалламизда магазин, тузаттириб ололмайди. Чунки, бу соҳада сидқидил ҳожатбарор одамлар ўтирибди, дея олмаймиз. Яна ҳеч кимнинг иши телефончиларга тушмасин. Идорама-идора юраверасиз, унисидан бунисига боравересиз, лекин телефонингизга «жон» битмас. Очиғи, бу соҳа идораларида ҳали ҳеч ким ҳожатбарор одамни учратмаган бўлса керак. Телефон туширишга ариза бериб пулини тўлаб қўярсиз ҳам, олти-етти ой ўтиб кетар ҳам, лекин ваъдадан нарига ўта олмассиз.

Шаҳар сувчилари шаънига ҳам шу сўзларни айтиш мумкин. Сув қувурингиз тешилиб, уйингиз ости сувга тўлиб қолар ҳамки, кўчаларда қувурлар ёрилиб ўн кунлаб сув оқиб ётар ҳамки, чақирган устангиз келмас.

Энди буларнинг ёнига электрчилар ҳам қўшилайқўшилай деб туришибди. Айни «Вақт» программаси бошланай деб турганда чироқ ўчади. Кейин бошланар, телефонвозлик, асабвозлик. Чироқ ёнганда эшиттиришнинг ярми тугаган бўлади...

Халққа хизмат қилишга сафарбар этилган эй азизлар, бир ўйлаб кўринг-а, қанчалик ҳожатбарор экансиз? Агар ўзингизда шу хислатни тополмасангиз, яхшиси бу касбнинг этагини тутмаганингиз маъқул. Ёки биз адашаётирмизми?

Муроджон МАНСУРОВ.

«Кексаларимиз—сафда» танловига

ТОШКЕНТ ВА ТОШКЕНТЛИКЛАР

3. ЎЗБЕК САНЪАТКОРЛАРИ ЖАНГГОҲЛАРДА

УЛУҒ Ватан уруши фронтларида қаҳрамонона жанг қилаётган қисмлар ва қўшилмалар вакилларининг Тошкентга келиши улкан аҳамиятга эга воқеа бўлди. Фронт жумҳурият-тимизга ўзининг энг яхши жангчиларини юборар эди. Улар меҳнаткашлар олдида жангчиларнинг халқ талабларини қандай бажараётганликлари ҳақида, немис-фашист босқинчиларини қандай қийратаётганликлари ҳақида ҳисобот беришарди. Фронт вакиллари Ўзбекистонда симмий кутиб олинди. Уларнинг ташрифи фронт ва мамлакат ичкариси бирлигининг, Ўзбекистон меҳнаткашларининг шавқатли жангчиларимизга муҳаббатининг ёрқин намойишига айланди.

1943 йилнинг февралида Тошкентга Ғарбий фронт делегацияси келди. Унга майор М. Абдуллаев (ҳозирда тарих фанлари номзоди, Тошкент автомобиль-йўллар институти КПСС тарихи кафедрасининг доценти) бошчилик қиларди. Ғарбий фронт делегатлари шаҳарнинг заводлар, фабрикалар, ўқув муассасаларида бўлишди.

Ғарбий фронт ўзбек жангчиларининг вакиллари ўзбек халқининг меҳнат фронтидаги мислсиз жасоратидан руҳланиб жанг майдонига қайтишди, жангчиларни янгидан-янги жасоратларга илҳомлантиришарди.

1943 йилнинг ноябрида Ўзбекистонга оталиқдаги 5-Орол ўқчи дивизиясининг делегацияси ташриф буюрди.

Фронт билан мамлакат ичкариси бирлигини Улуғ Ватан уруши йилларида мустаҳкамланишига санъат арбоблари сезиларли ҳисса қўшишди.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ Тошкентнинг санъат арбоблари немис-фашист босқинчиларига қарши умумхалқ курашида ўз жанговар ўринларини эгалладилар. Партия даъвати билан улар ўз ишларини ҳарбий давр талабларидан келиб чиқиб қайта ташкил этдилар.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Раҳимова раҳбарлигидаги Ўзбекистон давлат филармониясининг Давлат хотин-қизлар ансамбли Улуғ Ватан уруши йилларида ҳаммаси бўлиб фронтда бир йилу саккиз ой бўлганлигини айтиб ўтишимизнинг ўзи кифоя бўлса керак. Ана шу вақт мобайнида ансамбль 12 йўналишдаги турли фронтларда бўлди, 1200 марта концерт бериб, турли миллатга мансуб жангчилар билан 900 сиёсий суҳбатлар ўтказди.

Фахриддин Содиқов, Роза Багланова, Дилором Шерова, Коммуна Исмоилова, Яйра Абдуллаева, Сайфиддин Йўлдошев ва бошқа кўпгина истеъдодли артистлар ва ижрочилар шу ансамбль таркибига кирар эди.

Ўзбекистон давлат филармониясининг таркибида О. М. Воронова, Бутунииттифоқ эстрада усталари конкурсининг лауреати Э. Я. Фургалин, кино ва эстрада артисти Б. К. Шлихтинг, артист Турсуной Маҳмудова ва бошқалар бўлган яна бир концерт бригадаси 1943 йилнинг 26 июнидан 6 августига қадар 60 ва 70-Армия қисмларида бўлиб, 158 марта концерт берди, бу концертларни 50 мингдан зиёд жангчилар, командирлар ва сиёсий ходимлар тинглашди. Деярли ҳар бир концерт митинг билан тугарди.

Урушнинг уч ярим йили мобайнида Тошкент театрларининг артистлари Қутб ортида, Карелияда, Украинада ва машаққатларга қарамай ироқаси букилмаган Ленинградда жанг олиб бораётган Совет Армиясининг қисмларида 3500 дан зиёд концертлар беришди. Ҳамма ерда артистларимизни қизғин, самимий кутиб олишарди. Концертдан сўнг солдатлар ва офицерлар сўзга чиқиб бундан буён душманга янада кучли зарба берамиз, деб ваъда беришарди.

Санъат арбоблари Қизил Армия жангчиларига ва Ватан уруши ногиронларига маданий хизмат кўрсатиш билан бир қаторда маблағ тўплаш борасида улкан ишларни олиб боришарди. 1941-1942 йилларда мудофаа фонди учун бир миллион сўм, эвакуация қилинган болаларга ёрдам кўрсатиш учун икки миллион сўм, Ленинград ҳимоячилари учун 700 минг сўм, самолётлар ва танклар қурилишига 300 минг сўм, фронтдаги жангчиларга посилкалар, совғалар учун турли вақтда 300 минг сўмдан зиёд пул тўпланди. Ҳаммаси бўлиб 4 миллион 800 минг сўм пул йиғилди.



Буларнинг ҳаммаси Қизил Армиянинг чиндан ҳам буюк совет халқининг фарзанди эканлигидан, унинг ажралмас таркибий қисми эканлигидан, Советлар мамлакатида армия билан халқнинг мақсад ва вазифалари бир эканлигидан далолат беради.

Ватан уруши йилларида меҳнаткашларнинг Коммунистик партия сафларига интилиши совет халқи ватанпарварлик туйғуларининг муҳим намойиши, марҳа-ленинча таълимотнинг тўғрилиги ва ҳаётийлигининг исботи бўлди.

Партия сафларининг оғишмай кенгайиб бориши кузатилди. Меҳнаткашларнинг партия сафига оқиб келиши В. И. Ленининг коммунистлар зиммасига «одатдагидан кўра кўп даражада оғир ва кўп даража хавфли иш» юкланганда, ўшанда «партияга фақат сидқидилдан коммунизмга тарафдор бўлган ишчилар давлатига виждонан садоқатли кишиларгина... киradилар», деган хулосасини тасдиқларди. Улуғ Ватан уруши вақтида партия ташкилотлари ўз сафларини муносиб ва содиқ халқ вакиллари билан тўлдириб бориш борасида мунтазам ва изчил иш олиб бордилар. Уруш шароитида Коммунистик партиянинг партия сафларига кираётганларнинг олдига қўяётган талаблари мислсиз равишда ошиб борарди. Партия сафига кираётган ҳар бир ўртоқнинг қадри ва садоқатини аниқлашнинг бош мезони бу унинг душман устидан ғалаба ишига қўшаётган амалий ҳиссаси эди.

Тошкент шаҳар партия ташкилотини мустаҳкамлашда комсомоллар катта роль ўйнашди. Шаҳарнинг барча кучларини душманга қарши зарба беришга сафарбар этишда комсомол партиянинг биринчи ёрдамчиси бўлди. Комсомоллар ишлаб чиқаришда меҳнат шавкати ва қаҳрамонлиги намуналарини кўрсатишарди. Комсомолнинг энг яхши вакиллари Улуғ Ватан уруши фронтларида қаҳрамонона жанг қиларди. 1941 йилнинг иккинчи ярмида номзодликка қабул қилинганларнинг 20,4 фоизини комсомоллар ташкил этади.

Тошкент касаба уюшмаси ташкилоти ҳам шаҳар партия ташкилотининг содиқ ёрдамчиси эди. Касаба уюшмалари меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун, социалистик мусобақани ва илғорлар ҳаракатини бутун чоралар билан кенгайтириш учун курашишарди. Улар инжиқликларни, қўрқоқларни, турли олчоқларни, қочоқларни шафқатсиз равишда фош этишарди. Урушнинг машаққатли кунлари ўзини аъло даражада кўрсатган энг яхши ўғил-қизларни касаба союзлари партия ташкилоти сафларига тавсия қилар эди.

Тошкент шаҳар партия ташкилотида партияга қабул қилинган хотин-қизлар салмоғи ошди. Жумладан бутун 1942 йил мобайнида ВКП (б) га қабул қилинганларнинг 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этарди.

Оммага партия таъсирини кучайтиришнинг муҳим воситаси сифатида партия ташкилотлари тармоқларини мустаҳкамлаш учун кураш Ўзбекистон КП (б) Тошкент шаҳар партия комитети ва район партия комитетлари ишида етакчи ўринни эгалларди.

Мамлакатдаги ҳарбий аҳвол муносабати билан шаҳар ва район партия ташкилотларининг таркибида ўзгаришлар рўй берди. 1941 йилнинг 1 июлига келиб Тошкент шаҳар партия ташкилотида 608 бошланғич партия ташкилоти, 27 номзодлар гуруҳлари бор эди. 1942 йилнинг январига келиб бошланғич партия ташкилотлари сони 652 тага етди, номзодлар гуруҳлари 14 та эди. Жумладан, Тошкентнинг Фрунзе райони партия ташкилоти 1942 йилнинг охирига келиб қарийб икки баравар, Куйбишев райони эса 2,5 баравар кўпайди.

Фрунзе районида кўпгина эвакуация қилинган корхоналарнинг жойлаштирилганлиги туфайли саноатдаги бошланғич партия ташкилотларининг сони 14 тадан 61 тагача кўпайди. Ҳаммаси бўлиб районда 88 бошланғич ташкилот бор эди.

Улуғ Ватан урушининг якунловчи босқичида Тошкент шаҳар партия ташкилотининг ҳисобида 16658 коммунист турар эди, шулардан 11665 нафари партия аъзолари, 4993 нафари ВКП (б) аъзолигига номзодлар эди.

Тошкент партия ташкилоти Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг ишончли таянчи, партиянинг жанговар отряди ҳисобланарди. Тошкентликларнинг Коммунистик партияга ва социалистик Ватанга чексиз садоқати, уларнинг қийинчиликларга қарши курашдаги матонати ва жасорати, халқ олдидаги ўз бурчини чуқур идрок этиши, Улуғ Ватан урушида ғалаба йўлидаги қаҳрамонона меҳнати душманни яксон қилиш ишига қўшилган салмоқли ҳисса бўлди.

Улуғ Ватан уруши мобайнида Тошкент шаҳар партия ташкилоти ўз сафларида ва меҳнаткашлар орасида сиёсий-тарбиявий ишларни қайта қуришга, бу ишларни аниқ мақсадга қаратиб кенг йўлга қўйишга муваффақ бўлди. У мафкуравий-сиёсий таъсир ўтказишнинг барча восталарини бош вазифани ҳал этишга — душманни яксон қилишга, унинг босқинчилик мақсадларини фош этишга, совет халқи адолатли халоскорлик урушини олиб бораётганлигини кўрсатишга, совет кишиларини ёвуз душманга қарши қаҳрамонона курашга, ғалабамиз йўлида фидокорона меҳнат қилишга сафарбар этишга қаратилганди.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ ғоявий-тарбиявий ишларнинг мавзуи, кўринишлари ва усуллари кескин ўзгарди. Шаҳар ва район партия комитетларининг партия кабинетлари тарғибот пунктларига айлантирилди.

Тошкент шаҳар партия ташкилотининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги халқ хўжалигини ва бутун мафкуравий ишни қайта қуриш ва ривожлантириш борасида иш тажрибаси муҳим аҳамиятга эга ва ибратлидир. Тошкент шаҳар партия ташкилоти ўзбек халқининг ССР Иттифоқи бошқа халқлари билан маънавий-сиёсий бирлиги ва дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган партиявий-сиёсий ишларга алоҳида эътибор берарди. Ғоявий-сиёсий ишлар меҳнаткашларни Ватан ҳимоясига сафарбар этиш, уларни юксак ва олижаноб марксизм-ленинизм ғоялари руҳида тарбиялаш ишига бўйсундирилганди.

Шаҳар ва район партия комитетлари ҳузурида қуйи агитпунктларни кенгайтириш ва марказий тарғибот пунктларини ташкил этиш билан бир қаторда тарғибот, ташвиқот гуруҳлари ҳамда тарғибот жамоалари ташкил этилганди. Тарғибот пункти бўлмиш махсус чойхоналар ташкил этиларди. Партия ташкилотлари оммавий-тарғибот ишларига фронтчиларнинг ота-оналарини, шу жумладан меҳнаткашларнинг алоҳида ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган қарияларни жалб этишарди. Оммавий ишларга аёллар — жангчиларнинг оналари рафиқалари, опа-сингиллари кенг жалб этиларди. Уруш вақтида коммунистлар ва партиясиз фаоллар-нинг сиёсий маориф тармоғидаги ғоявий-сиёсий ўқуви тўхтаган йўқ.

Душманни яксон қилиш умумишига шаҳар зиёлилари салмоқли ҳисса қўшдилар. Уларнинг сафида ўша йилларда кўпгина йирик олимлар, ёзувчилар, рассомлар, саҳна ва кино усталари бор эди. Партия ташкилотлари уларнинг фаоллиги ва ижодий имкониятлардан фойдаланишнинг янада мукаммал кўринишларини топишди. Фашизмнинг ҳарбий жиҳатдангина эмас, маънавий-сиёсий жиҳатдан ҳам мағлубиятга учраганлигида совет зиёлиларнинг, шу жумладан Тошкент зиёлиларининг хизмати оз эмас.

Партиянинг обрўйи ва таъсири унинг сафлари ўсиб борганда ўзининг ёрқин ифодасини топди. 1942-1943-йилларда, урушнинг энг оғир даврларида 19811 киши Тошкент шаҳар партия ташкилоти сафларига кирди.

Буюк синов йилларида пойтахт шаҳар партия ташкилоти янада тобланди, мустаҳкамланди, бой тажриба тўплаб, меҳнаткаш оммаининг кенг қатламлари ўртасида катта обрў-эътибор қозонди.

Р. ШАРИПОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.

«АВЛОДЛАР ДОВОНИ» БАҲСИ

⊙ Яқинда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек ва қозоқ филологияси факультетида Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, жумҳурият Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР халқ депутати Пиримқул Қодировнинг «Авлодлар довони» романига бағишланган баҳс-учрашув бўлиб ўтди. Унда филология фанлари номзоди Т. Ёқубов, талабалардан Н. Маҳкамова, М. Матқурбонова, Р. Бердибоев ва бошқалар сўзга чиқиб, романда тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима, образ яратиш маҳорати, халқлар дўстлиги ғоясининг ифодаланиши, тарихий мавзу ва замонавийлик, руҳий олам ифодаси сингари масалалар атрофида қизғин фикр юритдилар. Баҳс охирида муаллиф романининг яратилиши ҳақида гапирди ва талабалардан тушган кўплаб саволларга жавоб берди.

М. ҚОДИРОВА.

Советлар мамлакатида

⊙ КИШИНЁВ. Хўжалик ҳисобидаги «Молдинтерагро» ташқи иқтисодий бирлашмаси ўз фаолиятини республикага ғишт ишлаб чиқарувчи линиялар, қуруқ мевалар, шунингдек «Вольво» фирмаси шатакчиларини етказиб бериш учун шартнома тузишдан бошлади. Унинг вазифаси валюта ишлаб топаётган хўжаликлар ва агросаноат комплекси корхоналарига чет эллик шериклар билан бевосита алоқаларни йўлга қўйишда кўмаклашиш, уларга экспорт-импорт ишларида ёрдам кўрсатишдир. Бирлашманинг эркин муомала қилинадиган валютаси йўқ, мижозлари эса муаммони лизинг — ускуналар ва машиналарни узоқ муддатга ижарага олиш йўли билан ҳал этишлари мумкин. Ҳисоб-китоблар унинг ўрнини қоплаш негизида, масалан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир қисмини бериш эвазига амалга оширилади.

⊙ ДУШАНБЕ. Душанбелик С. Шарипованинг уйи мактабгача болалар давлат муассасасининг бўлимига айланди. Бу ерда жумҳуриятда дастлабки оилавий болалар боғчаси очилди. Тарбиячи 7 нафар киччкинтойга қарамоқда. Унинг уйида қулай ётоқхона ва ошхона жиҳозланди. Ўқув машғулотлари олиб бориш учун зарур қўлланмалар, ўйинчоқлар, кичик стадион бор. Болаларни овқатлантиришни «бош» муассаса ўз зиммасига олди. У ердан тайёр нонушта ва тушликлар келтиришмоқда. Бу ерда болаларни тарбиялагани учун давлат мактабгача болалар муассасаларига нисбатан кўпроқ ҳақ олишади, лекин ота-оналар мамнун, чунки ҳозир Тожикистон пойтахтида 17 мингдан кўпроқ бола ясли ва болалар боғчасига жойлашиши учун навбат кутмоқда. Яқин орада яна бир нечта шундай болалар боғчаси очилади.

(ТАСС).





Брянскдаги балоғатга етмаган ёшлар учун меҳнат-тарбия колониясининг жамоаси барча ишлаб чиқариш ва тарбиялаш жараёнларини инсонпарварлаштириш бўйича тажрибага кўп урганидан сўнг колонияда кескин ўзгаришлар рўй берди. Муддатни ўтаётган болаларнинг бир қисми ижтимоий мослашиш марказида деярлик озодликда яшайди. Бир йил мобайнида қирқ нафар тарбияланувчи ана шу марказдан ўтиб, уйига қайтди, уларнинг ярми ишга жойлашди. Колония раҳбарлари полковник Г. А. Антонов ва унинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари майор М. Н. Сургучев мослашиш марказини зонанинг ичида эмас, унинг ташқарисида, кўча эшикларн бўлган бинода ташкил этиб, албатта маълум даражада таваккал қилишган эди. Аммо у ерга фақат ўз меҳнати ва одоби билан шартли равишда муддатидан олдин озод бўлиш ҳуқуқига сазовор бўлганларгина туша оладн. Мослашиш марказида ётоқхоналар, ошхона, ўқиш хоналари бор. Ҳозир бу ерда 17 нафар тарбияланувчи яшайди. Кундуз куни уларнинг бир қисми заводда ишлаб касб эгаллайди, бир қисми колониянинг ёрдамчи хўжалигида меҳнат қиладн. Болалар иш жойларига мустақил, жамоат транспортида боришади.

СУРАТДА: мослашишнинг учинчи-тўртинчи ойларида болалар якшанба кунларн мустақил равишда кинога, музейларга, қаҳвахонага боришади; Виктор Котельников колониянинг ёрдамчи хўжалигида ишлайди. Унинг озодликка чиқишига саноқлн ойлар қолган. Ҳозир эса кўп нарсалар ҳақида ўйлаб олишн керак.

Л. Свердлов (ТАСС) суратлари.

Бизнинг мусоҳаба

БОҒЧАГА ЯНГИЧА ҲАҚ ТЎЛАШ

⊙ СССР Министрлар Советининг «Мактабгача болалар муассасаларида болалар қаровн учун ота-оналар тўлайдиган ҳақнинг миқдорн тўғрисида»гн қарорн босилгандан сўнг рўзномамиз ғ.уда кўплаб оқшомхонлардан ана шу мавзуда хатлар олдн. Мухбиримиз Тошкент шаҳар Совети ижроня комитетининг халқ таълимн Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т. А. Акромова билан учрашиб, ана шу мактубларга жавоб беришнн илтимос қилдн:

— Тонба Акромовна, қарор шу йилнинг 13 январида қабул қилинди. Ҳозир эса апрель ойи. Ота-оналар ўтган ойлар учун ҳам ҳақ олинадими-йўқми, шуни билишни истайдилар.

— Ота-оналар қайғуришмаса ҳам бўлади. Мактабгача болалар муассасаларида 1990 йилнинг 1 январидан бошлаб янгича ҳақ тўланади. Ортиқча ҳисоб-китоблар кейинги ойга ўтказилади, албатта. Бу соҳадаги кечикишимизнинг асосий сабаби кўрсатма фақат 12 мартга келиб тасдиқланди. Биз уни яна кечикиб ўтган ҳафтада олдик.

— Оқшомхонлардан Д. Саидова, Р. Омонова, Ф. Раҳимбердиева, Б. Муҳамедова, М. Раззоқов ва бошқаларни мактабгача болалар муассасаларида иш вақтининг ҳар хил бўлиши туфайли қандай ҳақ тўланиши кўпроқ қизиқтирмоқда. Бу ҳақда нима дея оласиз?

— Қарордан келиб чиқиб шуни маълум қилишим мумкинки, болалар боғчаси агарда 12 соатлик ишлашга ўтказилса унда кичкинтойлар муассасаларда қанча соат бўлишларидан қатъий назар, барибир 60 тийиндан ҳақ тўланади. 12 соатдан кам иш соатига ўтказилса 50 тийин тўланади. Йўл-йўлакай шуни эслатиб ўтмоқчиманки, бу қонун-қоида ҳаммага ҳам тааллуқли эмас. Тўрт ва ундан ортиқ фарзанди бўлган ота-оналар 50 фоиз миқдорида ҳақ тўлашади. Бундан ташқари мактабгача болалар муассасаларидаги ота-оналарнинг (ҳар бир оила аъзосининг ўтган йилдаги ўртача бир ойлик маоши 60 сўмдан ошмаса улардан ҳақ олинмайди. Шунингдек, СССР Министрлар Советининг қарори билан халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроня комитетларига, ўз оталигида муассасалари бўлган корхоналарга, ташкилотларга, муассасаларга боғчада боқилаётган болалар учун ота-оналарга маҳаллий бюджетн ва ўз маблағлари ҳисобидан қўшимча имтиёзлар белгилаш ҳуқуқи берилган.

— Тонба Акромовна, кўпинча ота-оналар билан мактабгача болалар муассасалари раҳбарлари ўртасида болаларнинг боғчага келмай қолган кунлари, айниқса шанба кунлари учун ҳақ тўлаш масаласида тортишувлар бўлиб туради. Бунда қайси кунларга ҳақ тўлаш ва қайси кунга ҳақ тўламаслик керак?

— Бу ҳақда тортишув бўлмаслиги лозим. Чунки кўрсатмада аниқ белгилаб берилган. Ота-оналардан фарзандларини боғчага бормаган кунлари учун (қандай сабабли бўлмасин) боғча ҳақ олмайди. Ҳар бир ойга ҳақ тўлансада уни бормаган кунлари албатта ҳисобга олиниши керак. Фақат болалар қарови учун ота-оналар томонидан тўланадиган ҳақ ҳар бир ойнинг ўнинчи кунигача тўланиши керак.

Суҳбатдош
Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

«Мактабгача тарбия муассасаларида тарбиячи» мутахассислиги бўйича

СИРТҚИ БЎЛИМГА

1990-1995 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ҳужжатлар I турга 30 апрелгача, II турга 3 майдан 30 майгача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ I ТУРГА 3 МАЙДАН ВА II ТУРГА 1 ИЮНДАН БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: ифодали ўқиш, мусиқани эшитиш қобилиятини текшириш, ўзбек тили ва адабиёти (иншо), СССР тарихи (оғзаки).

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат (асли), 086/У формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма нусха, 4 дона фотосурат (3х4 см).

Паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун манзилимиз: 700187, Тошкент шаҳри, Красновосточная кўчаси, 112-уй (49, 63, 73, 89, 112-автобусларнинг «1-Қорасув» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирлиги

27-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

1990—1991 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Юқори малакали ёғочсоз-дурадгор (ўқиш муддати — 1 йил), **дурадгор** (ўқиш муддати — 3 йил), **бадиий ва моделли мебель дурадгори** (ўқиш муддати—3 йил), **қурувчи дурадгор** (ўқиш муддати — 3 йил), **жилва бериш бўйича бўёқчи** (ўқиш муддати—3 йил), **пардозловчи, плита ёткизувчи, мозаикачи** (ўқиш муддати—3 йил).

БИЛИМ ЮРТИГА 9—11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ВА УНДАН ҚАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Уч йиллик ўқишни тамомлаганларга диплом берилади.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади.

УҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

27-ҳунар-техника билим юрти янги бинога жойлашган.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил этилган, спорт комплексида бокс, кураш, шахмат, шашка, волейбол секциялари ишлайди.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4), 086/У формадаги медицина справкаси.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Спутник массиви, 4-квартал (19-троллейбус; 58, 40, 75, 98-автобусларнинг «27-билим юрти» бекати).

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси

26-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Чинни шаклини тайёрловчи, чиннини механик усулда безовчи, чиннига шакл берувчи, чиннини терувчи, чиннини пиширишга тайёрловчи автомат станокларда ишловчи оператор.

Юқоридаги касблар бўйича ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқишга 17 ёшдан 35 ёшгача бўлган хотин-қизлар; ҳамда ҳарбий хизматни тугаллаган йигитлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар 85 сўм стипендия билан таъминланади.

Қўшимча ишлаб чиқариш вақтидаги иш ҳақи тўлиқ берилади.

Шунингдек, ўрта мактабнинг 9—11 синфини тугаллаган ёшлар қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Заргарлик, чиннига шакл берувчи.

Ушбу касблар бўйича ўқиш муддати 9-синфни тугатганларга 2 йил, 11-синфни тугатганларга 1 йил.

Чиннини сараловчи, чиннига зарҳал берувчи.

Ушбу касблар бўйича ўқиш муддати 9-синфни тугаллаганларга 3 йил, 11-синфни тугаллаганларга 1 йил.

2-3 йиллик муддатга ўқишга қабул қилинганлар бепул кийим-бош, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

1 йиллик муддатга ўқишга қабул қилинганлар 45 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ўқишга қабул қилинганлар қўшимча ишлаб чиқариш практикасидаги иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртида заргарлик ҳунарини эгаллаган ўқувчилар Тошкент заргарлик заводига, чинникорлик ҳунарини эгаллаган ўқувчилар Тошкент чинни заводига ишга жойлаштирилади.

Билим юртига ўқишга имтиҳонсиз қабул қилинади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг Тошкент ва Калинин районида яшовчи йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см), таржимаи ҳоли, ота-онасининг иш жойидан справка.

Билим юрти қўнимгоҳи: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сагбон кўчаси, 17-боши берк кўча. Телефонлар: 40-30-36, 40-30-38. (100, 166, 76, 59-автобусларнинг «Қўш тут» бекати).

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

26 апрель соат 19.00 да

«ТАБАССУМ ОҚШОМИ»

«ТАБАССУМ» РАДИО ЖУРНАЛИ САҲНАДА

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳусан ШАРИПОВ

«ҚИЗИҚЧИ-89» кўригининг ғолиблари ва совриндорлари:

Обид АСОМОВ, Мирза ҲОЛМЕДОВ, Собит АСОМОВ, Тўхтамурод АЗИЗОВ, Ботир МУҲАМЕДХЎЖАЕВ;

Бадиий сўз усталари: Абдуҳолиқ МАМАРАСУЛОВ ва Машраб НАЗАРОВ;

лирик хонандалар: Санобар РАҲМОНОВА, Илҳом ЖЎРАЕВ, Азим МУЛЛАХОНОВ.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕРЛАР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг совриндори Абдурашид РАҲИМОВ ва Рустам ҚУРБОНОВ.

Мусиқа муҳаррири — Аҳмаджон РЎЗИЕВ.
Муҳаррир — Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ.

Билетлар соат 11.00 дан сотилади.

ҲАМИША ДАВР БИЛАН ҲАМОҲАНГ...



Сопол идишлар шаклининг мукаммаллиги, анъанавий миллий услубдаги ёрқин бўёқлари билан ҳамиша шуҳрат қозониб келган.

Ҳозирги кунда ҳам биз рўзғоримизни лаганлар, чойнаклар, чой термаларисиз, коса ва пиёлаларсиз тасаввур этолмаймиз. Сопол идишлар билан дастурхонни чиройли безатиш мумкин, улар иссиқ овқат, чой ичиш учун жуда қулай.

Сопол буюмлари хона ичини ҳам яхши безайди, хоналарга байрамона, миллий руҳ бағишлайди.

СОПОЛ БУЮМЛАР — БАЙРАМГА АЖОЙИБ СОВҒА БЎЛИШИ МУМКИН!

Ихтисослашган «Сопол буюмлар» магазинидан сиз дўстларингиз, қариндош-уруғларингиз учун уларнинг дидига мослаб совға харид қилсангиз бўлади. **Лаганлар, гулдонлар, чиройли туваклар, чойнаклар, салатдонлар, чор термалари ва ширинликлар учун идишлар** шулар жумласидандир.

Магазин қўнимгоҳи: Навоий кўчасидаги савдо расталари. Иш вақти: соат 10 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш куни — душанба.

Транспорт: 7, 8, 16-трамвайларда, 1, 8, 20-троллейбусларда бориш мумкин, метронинг «Пахтакор» станцияси.

ТОШКЕНТ ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ САВДО ТАШКИЛОТИ.

ТРИКОТАЖ БУЮМЛАРИ МОДЕЛЛАРИ РЕСПУБЛИКА УЙИНИНГ ФИРМАЛИ БЕЛГИСИ БИЛАН

Барча мавсумлар учун таклиф этилаётган турли-туман моделлар замонавий услуби, башанглиги ва бежиримлиги билан эътиборни жалб этади.

БАҲОР ВА КУЗ МАВСУМЛАРИГА ҚУЙИДАГИЛАР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ:

ўзига хос безатилган хотин-қизларнинг кенг резинкали жемпери — нархи — 75—78 сўм;

хотин-қизларнинг комплектлари—нархи 137 сўм;

хотин-қизларнинг костюмлари — нархи 75 сўмдан 86 сўмгача;

тўладан келган аёллар учун жилет ва юбкадан иборат комплектлар нархи — 92 сўмдан 108 сўм 50 тийингача;

Улар акриль, жун аралаш ва тоза жун газламалардан, трикотаж газламалардан, шунингдек, хорижий «хибискус» толасидан тикилган.

Уларни «Янгилик» ва «Мода» магазинларидан харид қилиш мумкин.

«Янгилик» магазини Халқлар дўстлиги шоҳ кўчасида (метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси) жойлашган. Иш вақти соат 10 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш куни — душанба.

«Мода» магазини Марказий универсал магазинининг павильонларидан бирида жойлашган. Иш вақти соат 14 дан 15 гача. Дам олиш куни — якшанба.



ТРИКОТАЖ БУЮМЛАР МОДЕЛЛАРИ РЕСПУБЛИКА УЙИ.

ЎЙНАБ ЎСИБ-УЛҒАЯМИЗ, ЎРГАНАМИЗ

Минг хил ўйинчоқлар бор, аммо уларнинг ҳар бирининг ўз ўрни, аҳамияти бор. Улар болаликнинг содиқ ҳамроҳи бўлиш билан бирга, кичкинтойларда ҳайвонот оламига муҳаббат уйғотади, билим доирасини кенгайтиради.

«ТАШКУЛЬТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ ҚИЧҚИНТОЙЛАРГА ТУРЛИ-ТУМАН ЎЙИНЧОҚЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ



ҳар хил-бошқотиргич ўйинлар, спорт ўйинлари шулар жумласидандир.

Фарзандингизнинг ўзи «хонаки ҳайвонот боғи» учун турли ҳайвонларни танлаб олади, уларни ўйнаб вақтини чоғ ўтказади.

МАГАЗИНЛАРНИНГ МАКОНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

3-МАГАЗИН — Қорақамиш мавзеси (савдо комплекси);

4-МАГАЗИН — Куйбишев шоҳ кўчаси, 850;

5-МАГАЗИН — Тўқимачиларнинг «Аския» бозори;

5/1-МАГАЗИН — Биринчи Май бозори;

8/1-МАГАЗИН — «Дўстлик» ярмаркаси (Навоий кўчаси);

9/3-МАГАЗИН — Юнусобод мавзеси, 4-даҳа (трамвайнинг сўнгги ҳалқаси);

11/1-МАГАЗИН — Госпиталь бозори;

12-МАГАЗИН — Луначарский шоҳ кўчаси;

14-МАГАЗИН — Беруний кўчаси, Марказ—27;

15-МАГАЗИН — У. Юсупов кўчаси, 95;

16/1-МАГАЗИН — «Йўлдош» мавзеси;

17-МАГАЗИН — Паркент бозори.

«ТАШКУЛЬТТОРГ».

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

«БАҲОР ТАРОНАЛАРИ»

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ БАДИИЙ ҚОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА ЕТУК ХОНАНДАЛАРИНИНГ

БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

5 май соат 19.30 да

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон ШУКУРОВ

«ЗАРАФШОН» ФОЛЬКЛОР ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ.
6 май соат 19.30 да
Раҳматжон ҚУРБОНОВ
«ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ
9, 10 май соат 19.30 да

Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғуломжон ЁҚУБОВ

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан сотилади.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1 МАЙ СОАТ 19.00 ДА,
2 МАЙ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ

ИШТИРОКИДА

«АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА
Хонандалар: ДАДАҲОН ҒАНИЕВ.
ҲОТАМЖОН ЎРИНБОЕВ.
Концертдан тушган маблағнинг бир қисми БОЛАЛАР ФОНДИГА ва бир қисми ОРОЛ ФОНДИГА ўтказилади.
Программани сўз устаси МАШРАБ НАЗАРОВ олиб боради.
Касса соат 11.00 дан очиқ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

28 АПРЕЛДАН

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

ССРДА ЯГОНА

ЛИЛИПУТЛАР МЮЗИК-ХОЛЛИ

«МИТТИ МУЪЖИЗАЛАР НАМОЙИШИ»

(Икки бўлимдан иборат ёрқин ва ранг-баранг эстрада-цирк томошалари)

Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.
44-35-91, 44-18-12, 44-35-84 телефонлари бўйича қўшимча маълумотлар олишингиз мумкин.
ЦИРК ФОЙЕСИДА СУРАТКАШЛИК ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТ КУРСАТМОҚДА.
Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.
ЖАМОА БЎЛИБ КЎРИШ УЧУН ТАЛАБНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТОМОШАЛАР:

ИШ КУНЛАРИ СОАТ 19.00 ДА;
ШАНБА КУНЛАРИ СОАТ 16, 19.00 ДА;
ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 12, 15, 18.00 ДА
БОШЛАНАДИ

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Масхарабозлар**, 27/IV да **Севгига сев-ги билан.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Жар**, 27/IV да **А. Қодирийнинг ўтган кунлари.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 27/IV да **«Олтин-тўй»** (театрнинг 50 йиллик юбилей кечаси).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Отасининг қизи (19.00)**, 27/IV да **Зиёфат** (19.00).

ХОТИН» (ўзбек тилида, К. Ерматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти, 11, 14, 17.00, катта зал; 12, 15, 18, 20.45, кичик зал).

Чайка — «ВЕБОШ ЭРКАКЛАР» (11, 13, 15, 17.00); «МОДЕРНИСТЛАР» (18.45, 21.00).

Москва — «ЕЛҒОНЧИЛАР» (13, 11, 19, 20.40).

Восток — «УЧРАШУВ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

М. Шайхзода номли — «ШЕРАЛИ ВА ОЙБАРЧИН» (ўзбек тилида, 11, 14, 17, 20.00).

КИНО

26 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида ,К. Ермаматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти, 11, 14.00, катта зал; 12, 15, 18.00; кичик зал).

Чайка «ВЕВОШ ЭРКАКЛАР» (17.00); «МОДЕРНИСТЛАР» (18.45, 21.00).

Москва — «ЕЛҒОНЧИЛАР» (19, 20.40).

Восток — «УЧРАШУВ» (18.30, 20.45).

М. Шайхзода номли — «ШЕРАЛИ ВА ОЙБАРЧИН» (ўзбек тилида, 17, 20.00) .

27, 28, 29 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ТЕМИР

Тошкент Совет савдоси техникумининг озиқ-овқат товаршунослиги ва савдони ташкил қилиш факультети томонидан **Катиди Серафима Ильиничча** номига берилган 103063 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент технология техникуми томонидан **Қурбанов Яхъяжон Назирович** номига берилган Э — 1 — 469379 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат дорилфунуни журналистика факультети жамоаси факультет ходими А. Исломовга синглиси

Фотима ТОШХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; ҳатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р—10041.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.